Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

46-йил чиқиши
№ 192 (12.846).
18 АВГУСТ 1964 йил
СЕШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

БУГУН — СССР ҲАВО ФЛОТИ КУНИ

ВАТАНИМИЗ ЛОЧИНЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР!

САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг раиси, Корея Халқ Демократик Республикаси Министрлар Кабинетининг раиси Ким Ир Сен ва Корея Халқ Демократик Республикаси Олий халқ мажлиси президиумининг раиси Цой Ен Ген 15 август куни — Совет Армияси корейс халқини япон империалистларининг мустамлакачилик ҳукмронлигидан озод қилганига 19 йил тўлиши муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян номига телеграмма йўлладилар.

Корейс халқи, дейилади телеграммада, қардош совет халқи билан дўстликни қадрлайди. Корейс халқи тинчлик, социализм ва коммунизм учун курашда совет халқи билан интернационал дўстлик ва жипсликни мустаҳкамлаш ҳамда социалистик лагерь бирлигини сақлаб қолиш учун бутун кучини сарф қилади.

* * *

Н. С. Хрушчев ва А. И. Микоян Индонезия Республикасининг президенти ва бош министри доктор Сукарнога телеграмма юбордилар. Улар бу телеграммада Индонезия Республикаси мустақил деб эълон қилинган кунининг 19 йиллиги муносабати билан Совет Иттифоқи халқлари номидан, СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукумати номидан ва шахсан ўз номларидан дўст Индонезия халқи ва ҳукуматига самимий табрикларини йўллайдилар.

Мактубда мамнуният билан шу нарса қайд қилинадики, ҳар иккала мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳурмат ҳамда ишонча асосланган дўстона муносабатлар янада ривожланди ва самарали ҳамкорлик кенгайди. Халқларимиз бир ёқадан бош чиқариб, тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун, тинч-тотув яшаш учун, ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун, ядро қуроли синовларини бутунлай тақиқлаш учун, мустамлакачиликнинг ҳамма шаклларини узил-кесил тугатиш учун кураш олиб бормоқдалар.

Телеграммада қаттиқ ишонч билдириб айтиладики, СССР билан Индонезия ўртасидаги дўстона алоқалар халқларимизнинг манфаатлари йўлида, умумий тинчлик манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ривожланиб боради.

(ТАСС).

СОВЕТ ҚИРҒИЗИСТОНИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ ЛЕНИНЧА МИЛЛИЙ СИЁСАТ ТАНТАНАСИДИР

Қирғизистон Компартияси марказий Комитети ва Қирғизистон ССР Олий Советининг 1964 йил 16 августдаги тантанали мажлисида

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

Қадрли ўртоқ Усубалиев!
Қадрли ўртоқ Қулатов!
Қадрли ўртоқ Мамбетов!
Азиз ўртоқлар!

Мен СССР Олий Совети Президиумининг топшириғига биноан, Қирғизистон Совет Социалистик Республикасига иккинчи Ленин орденини топшириштек катта шарафга муяссар бўлдим. **(Қарсаклар).**

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари қанд лавлаги, пахта ва чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда эришган муваффақиятлар учун Қирғизистон бундан етти йил муқаддам Ленин ордени билан мукофотланган эди. Қирғизистон меҳнаткашлари олий мукофотни қабул қилиб олатуриб, коммунистик қурилишда янги-янги ютуқларга эришамиз, деб партияни ва бутун совет халқини ишонтирган эдилар.

Ўтган йиллар қирғиз халқи ўз сўзининг устидан чиқиб, Совет Ватанимиз бахт-саодати йўлида қилинаётган меҳнатда катта-катта муваффақиятларга эришганлигини кўрсатди. Республика ишчилари, колхозчилари, барча меҳнаткашларининг шавкатли меҳнати яна юксак даражада тақдирланди. Қирғизистон саноатини, қишлоқ хўжалигини, маданиятни ривожлантиришдаги муваффақиятлари учун ҳамда ихтиёрий равишда Россия составига кирганлигининг юз йиллигини нишонлаш юзасидан иккинчи Ленин ордени билан мукофотланди.

Қирғизистон меҳнаткашларини чин юракдан олий мукофот билан қутлашимга ҳамда қўш орденли республикага коммунистик қурилишда янги зафарлар, ундаги ҳар бир хонадонга, ҳар бир оилага омон-эсонлик, қувонч ва бахт-саодат тилашимга рухсат бергайсиз. **(Давомли қарсаклар).**

Қирғизистон ихтиёрий равишда Россия составига кирганлигининг юз йиллиги — мамлакатимиз халқлари тарихида катта ва муҳим воқеадир. Кўп миллатли Ватанимиз халқларининг якдиллиги ва дўстлиги социализм ва коммунизмни биргаликда қуришда равнақ топди ва чуқур тарихий илдизларга эгадир.

«...Россия Шарққа нисбатан ҳақиқатан ҳам прогрессив роль ўйнамоқда», деб ёзган эди бир вақтлар Фридрих Энгельс, жумладан ҳозирги Қирғизистон районларини ҳам назарда тутиб.

Россия қирғизлар экономикаси, маданияти ва турмушининг ривожланишига таъсир кўрсатди. Қирғизистон Англиянинг империалистик экспанциясидан ҳимоя қилиб қолинди. Бу районда меҳнаткаш халқ бошига сон-саноқсиз кулфат келтирган феодаллар ўртасидаги ўзаро урушларга чек қўйилиб, уруғларнинг тарқоқлиги тугатила бошланди.

Шундай қилиб, Қирғизистоннинг ихтиёрий равишда Россия составига кирганлиги прогрессив ҳодиса бўлди. Агар тарихга тўхталадиган бўлсак, шу нарса маълумки, XIX аср бошларида қирғизларнинг ерлари ажнабий босқинчиларнинг истилочиликдан иборат интилишларининг объекти бўлиб қолган эди. Ўша даврдаги тарихий вазият, мураккаб ташқи сиёсий аҳвол қирғиз халқининг олдига Россия билан яқинлашишни муҳим проблема қилиб қўйди. Россия ҳатто ўша даврда ҳам Шарқдаги қолоқ феодал давлатларга нисбатан хийла ривожланган экономика ва маданиятга эга эди. Қирғизистоннинг Россия составига кирганлиги унга Қўқон хонлари асоратидан, Хитой феодалларининг доимий жабр-зулмидан халос бўлиш, қирғизларнинг мустақил халқ сифатида йўқ бўлиб кетиш хавфини тугатиш имкониятини берди.

Қирғизларнинг Россия билан иттифоқ бўлишга табиий интилиши қирғиз маданиятининг ажойиб ёдгорлиги бўлган «Манас» эпосида ўз ифодасини топди. Бу эпосда шундай дейилади:

Рус халқи раҳимдил, меҳрибон эллдир,
Руслар билан бўлингиз бирга!
(Қарсаклар).

Қирғизистоннинг Россия составига ихтиёрий равишда кириши бир-бирига қарама-қарши бўлган тарихий шароитларда юз берди. Рус чоризмининг мустамлакачилик сиёсати қирғизлар экономикаси ва маданиятининг ривожланишига халақит берди. Бироқ, рус маданиятининг прогрессив намояндалари қирғиз халқининг ривож топишига ёрдам бериш учун ҳамма чораларни кўрдилар.

Масалан, Қирғизистонни илмий жиҳатдан ўрганишга асос солган П. П. Семенов-Тянь-Шанский ва Н. М. Пржевальский сингари ажойиб рус тадқиқотчи олимларининг номларини эсга олмасдан бўладими. **(Қарсаклар).**

Рус ва қирғиз халқларининг дўстлиги ва биродарлиги озодлик учун, чоризм зулмига қарши биргаликда олиб борилган курашда вужудга келди ва тобланди. Рус ишчиларининг революцион ҳаракати ўсиб борган сайин, илғор ғоялар меҳнаткаш қирғизлар орасига ҳам ёйилиб, уларнинг қалбларида жонли акс садо берди. Чоризмни рус пролетариати ҳам, қирғиз овулларидаги меҳнаткаш халқ ҳам бир хилда ёмон кўрар эдилар. 1898 йилдаги машҳур Андижон қўзғолони ва қирғиз халқининг энг яхши ҳаёт учун 1916 йилда олиб борган кураши бунинг далилидир.

Улуғ Октябрь революцияси қирғиз халқига, мамлакатимиздаги барча халқларга озодлик келтирди. Қирғизистон меҳнаткашлари Совет ҳокимияти учун олиб борилган курашга қўшилдилар. Маълумки гражданлар уруши ва чет эл ҳарбий интервенцияси даврида Россия Федерациясининг Марказий Ижроия Комитети Туркистон ишлари билан шуғулланувчи махсус комиссия тайинлаб қўйган эди. Бу комиссияга Коммунистик партиянинг атоқли арбоблари, В. И. Ленининг сафдошларидан М. В. Фрунзе билан В. В. Куйбишев аъзо бўлиб кирдилар.

Владимир Ильич Ленин Туркистон коммунистларига юборган хатида партия миллий сиёсатининг моҳиятини белгилаб ва партия ташкилотлари ўз эътиборини қаратиши лозим бўлган ҳал қилувчи соҳаларни кўрсатиб берди.

Бой-қулоқлар ва чор армиясининг офицерларидан иборат контрреволюцион кучлар инглиз империалистларининг гиж-гижлаши билан Советларга қарши исён кўтарган пайтда М. В. Фрунзе Қирғизистон территориясидаги совет кўшинларининг ҳаракатларига раҳбарлик қилди. Контрреволюцияга қарши курашда бутун қирғиз халқи актив қатнашди. Қирғизистон меҳнаткашлари большевистик партиянинг атоқли арбоби, қирғиз халқининг вафодор ўғли ва ўз юртдошининг хотираси учун республика пойтахтини Фрунзе номи билан атадилар. **(Қарсаклар).** Бир замонлар бу ер Пишпак деган кичкинагина ҳарбий истеҳком эди. Ҳозир Фрунзе — Ўрта Осиёнинг энг йирик ва гуллаб-яшнаётган шаҳарларидан биридир. **(Қарсаклар).**

Қирғизистон Россия составига кириш билан XX асрда жаҳон революцион ҳаракатининг марказига айланган ва социализм қуриш йўлига биринчи бўлиб қадам қўйган мамлакатнинг таркибий қисми бўлиб қолди. **(Қарсаклар).** Қирғизлар фақат Совет Иттифоқидаги қардош халқларнинг аҳил оиласидагина тарихда шундай мисли кўрилмаган муддатларда ўзгаришлар ясаб, патриархал қолоқликдан тараққиётга, тўла ҳуқуқсизликдан миллий давлатга, феодализмдан социализмга ўтишлари мумкин эди. **(Қарсаклар).**

Янги жамият қурилишининг ҳамма босқичларида Қирғизистон меҳнаткашлари кўп миллатли Ватанимиздаги бошқа республикаларнинг меҳнаткашлари билан қўлни қўлга бериб келдилар. Улар ҳозир ҳам Коммунистик партия кўйган улуғ вазифаларни амалга ошириш учун куч-қувватларини аямасдан сарфлоқдалар.

Бизга улуғ Ленин васият қилиб қолдирган халқлар дўстлиги совет жамиятини тош-метиндек мустаҳкамламоқда, янги дунё қурилишида меҳнаткашларнинг куч ва ғайратларини оширмоқда. Совет кишилари зўр тарихий тажриба асосида шунга ишонч ҳосил қилдиларки, бошқа барча республикаларнинг актив ёрдами ва мададкорлиги билангина ҳар қайси республика ривожланиши, мустаҳкамланиши ва равнақ топиши мумкин. **(Қарсаклар).**

Марксизм-ленинизмнинг бу ҳақиқатини турмушнинг ўзи синовдан ўтказди. Кўп миллатли Совет давлатининг жуда бой тажрибасигина эмас, балки жаҳон социалистик ҳамдўстлиги мамлакатларининг мустаҳкам ҳамкорлиги ҳам бу ҳақиқатни синовдан ўтказди. Марксча-ленинча социалистик интернационализм принципларига асосланган халқлар дўстлиги енгилмас кучга эгадир.

Ўртоқлар! Революциядан аввал Қирғизистонда фақат пахта ишлайдиган ярим кустарь корхоналар, жувозхоналар, кичкина кўнчилик заводлари ва туз конларидан бўлак ҳеч нарса бўлмаганини хойна-хой шу ерда ўтирган ишларнинг қўллари кўрмаган бўлсалар керак. Чоризм даврида қирғиз халқи ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш имкониятига эга эмас эди, унинг маданиятини юксалтириш учун ҳам шарт-шароитлар йўқ эди. Улуғ Октябрь Қирғизистонни озод социалистик тараққиётнинг кенг йўлига олиб чиқди.

Совет ҳокимияти йиллари мобайнида республикада қудратли энергетика базаси вужудга келтирилди, рангли металлургия, машинасозлик ва приборсозлик, нефть, газ, енгил ва озиқ-овқат саноатида 500 дан ортиқ корхона қурилиб, ишга туширилди. Қирғизистон бутун 1913 йил мобайнида ўзи ишлаб чиқарган саноат маҳсулотини ҳозир ҳар беш кунда бермоқда. **(Қарсаклар).** Қирғизистон ўтмишда Туркистон ўлкасида кўчманчилар яшовчи энг қолоқ вилоят эди. Ҳозир унинг маҳсулотлари чет эллардаги 35 та мамлакатга чиқарилмоқда. **(Қарсаклар).** Чиқарганда ҳам яна қанақа маҳсулот чиқаряпти денг! Бу маҳсулотлар орасида электр ва қишлоқ хўжалик машиналари, металл қирқувчи станоклар, ҳар хил приборлар, рангли металлар, пахта толаси бор.

Янги ҳаётни актив қура бошлаган ҳар бир халққа социализм ана шундай имкониятлар беради! **(Қарсаклар).**

Қардош республикалар Қирғизистоннинг ўзига миллий кадрлар тайёрлаб олишига ёрдам беришди. Қирғизлардан иборат ёш мутахассислар Москва, Ленинград, Киев, Тошкент, Боку заводларида малака орттириб келишди.

Қирғизистон республикаси саноатни ривожлантириш суръатлари жиҳатидан Ғарбдаги энг тараққий этган капиталистик мамлакатларнинг кўпидан ўзиб кетди, Шарқдаги кўшни мамлакат ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Республикангиз ҳозирги кунда Ўрта Осиё иқтисодий районининг саноат потенциалига анчагина ҳисса кўшиб келмоқда. Халқ хўжалиги йилдан-йилга ривожланиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Кўп рақамларни келтириб ўтирмай, фақат битта рақамни айтсам Совет ҳокимиятининг қирғиз халқига нима берганлиги шунинг ўзидан маълум бўлиб қўя қолади. 1913 йилда бутун Россия қанча электр энергияси берган бўлса, ҳозир Қирғизистонда қарийб ана шунча электр энергияси ҳосил қилинмоқда! **(Қарсаклар).**

Республикангизда ишчилар, техниклар, инженерлардан иборат юқори малакали кадрлар ўсиб, камол топди. Бу кадрлар саноатда техникани тараққий эттиришмоқда, замонавий техникани муваффақият билан эгаллаб олишмоқда. Қирғизистон меҳнаткашлари қолипчи Жўлдош Мусабеков, токарь И. С. Мирошниченко, тўқувчи Ҳабиба Айтбоева, бинокор ишчи Абил Қурманаев сингари кишилар билан ва ишчилар синфининг бошқа кўпгина шонли намояндалари билан фахрланмоқдалар. **(Қарсаклар).**

Сўнгги ўн йил ичида қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳам каттагина ютуқларни қўлга киритдилар. Масалан, қанд лавлаги, маккажўхори, жун етиштириш қарийб уч баравар кўпайди. Қирғизистон деҳқонлари ўтган йили дон экинлари, қанд лавлаги ва пахтадан мўл ҳосил олиб, Ватанни хурсанд қилдилар. Сизлар давлатга дон, пахта, гўшт ва бошқа маҳсулотлар сотиш соҳасида ўз планларингиз ва мажбуриятларингизни муваффақият билан бажариб келмоқдасиз. Қирғизистон республикаси Ўрта Осиёдаги илғор республикалар сафида бормоқда. **(Қарсаклар).**

(Давоми иккинчи бетда)

ҚЎШ ОРДЕНЛИ ҚИРҒИЗИСТОН

ФРУНЗЕ, 16 август. (ТАСС). Бугун Қирғизистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Олий Советининг тантанали мажлисида КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев Қирғизистонга Ленин ордени топширди. Ўрта Осиёдаги тоғли республика экономика ва маданиятини ривожлантиришдаги жуда катта муваффақиятлари учун, Қирғизистоннинг ихтиёрий равишда Россия составига кирганлигининг юз йиллигини нишонлаш юзасидан иккинчи олий мукофотни олишга сазовор бўлди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев тантанали мажлисда катта, ёрқин нутқ сўзлади.

СОВЕТ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЧЕХОСЛОВАКИЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан, совет партия-ҳукумат делегацияси шу йил август ойининг охирида Чехословакия Социалистик Республикасига боради. Визит вақтида делегация Словакия миллий қўзғолонининг 20 йиллигига бағишланган тантаналарда ҳам қатнашади. КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев делегацияга бошчилик қилади.

СССР мудофаа министрининг БУЙРУҒИ

1964 йил 18 август — № 186 — Москва шаҳри.

Учувчи ва штурманлар, инженер ва техниклар, авиация мутахассислари, авиация саноати ва граждан ҳаво флотининг ходимлари, ДОСААФнинг спортчи-авиаторлари, ўртоқлар!

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!

Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Совет халқи ва унинг шонли Қуролли Кучлари бугун традицион байрам — СССР Ҳаво Флоти кунини нишонламоқдалар.

Совет Иттифоқи халқлари бу йил бу байрамни ижодий ғайратлари юксалган ва етти йиллик олтинчи йили планини муддатидан илгари бажариш учун, мамлакатимизда коммунизм қурилиш улуғвор программасини амалга ошириш учун фидокорона курашаётган вазиятда кутиб олмоқдалар.

Коммунистик партия ўз Программасини сабот-матонат ва изчиллик билан амалга ошириб, Ватаннинг иқтисодий қудратини бутун чоралар билан мустаҳкамлашга, унинг миллий бойликларини кўпайтиришга, совет халқининг моддий фаровонлигини оширишга эришмоқда.

Барча совет кишилари СССР Олий Советининг «КПСС Программасини халқнинг фаровонлигини ошириш соҳасида бажариш чоралари тўғрисида»ги қарорларини эўр маммуният билан кутиб олдилар. Бу қарорларда колхозчиларга пенсия ва нафақалар бериш ҳамда маориф, соғлиқни сақлаш ходимлари, халқ хўжалигининг аҳолига бевосита хизмат кўрсатувчи турли тармоқларидаги ходимларнинг иш ҳақини ошириш кўзда тутилади.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ленинча тинчликсеварлик ташқи сиёсатни оғишмай ўтказиб, ракета-ядро урушининг олдини олиш учун, барча мамлакатлар билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш учун, ер юзида тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун сабот-матонат билан кураш олиб бормоқдалар. Аммо, империалистик лагерь туғдираётган уруш хавфи сақланиб қолаётган экан, партия ва ҳукумат Совет давлатининг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қила берадилар. Ҳимоя қилишнинг энг замонавий воситаларига эга бўлган Совет Қуролли Кучлари бошқа социалистик давлатларнинг армиялари билан биргаликда социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг хавфсизлигини мустаҳкам суратда таъминлашга қодирдирлар.

Армия ва флотнинг барча жангчилари каби ҳарбий авиациянинг шахсий состави ҳам ўзининг жанговарлик маҳоратини тинмай такомиллаштириб, юксак даражада ҳушёрлик кўрсатмоқда ва агар агрессор бизнинг совет Ватанимизга ҳужум қилишга жўраст этгудек бўлса, унга қақшатқич зарба бериш учун доим тайёр турибди.

Ҳарбий авиациянинг шахсий составини умумхалқ байрами — СССР Ҳаво Флоти куни билан табриклаб ва қутлаб, совет авиаторларига жанговар ва сиёсий тайёргарлигида, таълим аълочилари ва малакали мутахассислари етиштириш, авиация қисмлари ва бўлинмаларида ҳарбий интизомни мустаҳкамлашда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Авиация саноати ишчилари, конструкторлари, барча ходимларининг биринчи даражали авиация техникасини яратишда янги муваффақиятларга эришувларини, Граждан Ҳаво Флоти шахсий составининг самолётларда юк ташиш ва қишлоқ хўжалигида авиация-химиявий ишлар планларини муваффақиятли бажаришларини; ДОСААФ ташкилотларининг янги рекордларга эришувларини ҳамда ёшларимиз ўртасида авиация спортини ҳар томонлама ривожлантиришларини тилайман.

СССР Ҳаво Флоти кунини нишонлаш юзасидан буюраман:

Бугун, 18 августда Ватанимизнинг пойтахти Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида ва қаҳрамон шаҳарларда тўплардан бир йўла йигирма марта ўқ узиб салют берилсин.

Яшасин коммунизм қураётган улуғ совет халқи!

Яшасин бизнинг шавкатли Қуролли Кучларимиз!

Совет Ҳаво Флоти яшасин ва мустаҳкамланг бесин!

Барча галабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси жонажон Коммунистик партияга шон-шарафлар!

СССР мудофаа министри
Совет Иттифоқи Маршали
Р. МАЛИНОВСКИЙ.

СУРХОНДАРЁ ҒАЛЛАКОРЛАРИ, ҒАЛАБАНГИЗ МУБОРАК

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ВА ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИГА

Сурхондарё областининг колхозчилари, совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларига, барча меҳнаткашларига

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Сурхондарё областининг колхозчиларини, совхозларнинг ишчиларини, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларини, партия ва совет ташкилотларининг ходимларини, барча меҳнаткашларини ғалла — давлатга ғалла сотиш планининг анча ошириб бажарилганлиги билан қизғин табриклайдилар. Ватан омборларига юқори сифатли 28.928 тонна дон тушилди. Бу эса йиллик планда кўрсатилганига қараганда икки баравар кўпдир.

Шеробод, Сариосиё ва Шўрчи ишлаб чиқариш бошқармаларининг ғаллакорлари дон етиштиришни кўпайтиришда каттагина муваффақиятларга эришдилар. Областнинг кўпгина комсомол бригадалари дастлабки марраларни муваффақиятли эгаллаб, 35.40 центнердан ва ундан ҳам кўпроқ дон олдилар, иккинчи марта юқори ҳосил олиш учун астойдил кураш олиб бормоқдалар.

Сурхондарё областининг колхозлари ва совхозлари давлатга яна 5000 тонна маккажўхори дони ва шоли топширишга қарор қилдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Сурхондарё областининг меҳнаткашлари 5000 тонна дон сотиш юзасидан олган қўшимча мажбуриятларини шараф билан бажарадилар, кузги дон экинларини ўз вақтида экиб оладилар, жамоат чорвачилигини учун етарли миқдорда ем-хашак тайёрлаб қўядилар, чорва моллар қишловига намунали тайёргарлик кўрадилар, ўзларининг Ватан олдидаги асосий мажбуриятларини шараф билан бажариб, шавкатли меҳнат намунасини кўрсатадилар — гектаридан 30 центнер пахта етиштирадилар, давлатга камида 275 минг тонна «оқ олтин» сотадилар, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини юксалтиришда янги, янада катта муваффақиятларга эришадилар, деб қаттиқ ишонч билдирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ШАРАФЛИ БУРЧИМИЗ

Қизбиби ҲУСАНОВА,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ғиждувон ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин номли колхоз раиси.

◆ ◆

Юбилей йилида давлатга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериб, республикамизнинг тўйини ёруғ юз билан кутиб олишга аҳд қилганмиз. Колхозчиларимиз олинган мажбуриятларни шараф билан бажариш учун куч-ғайратларини аямай меҳнат қилмоқдалар. Шу меҳнат туфайли дастлабки ғалабалар қўлга киритилди. Дон, пилла, қорақўл тери топшириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар тўла адо этилди. Сут соғиб олиш саккиз ойлик плани ҳам муддатидан илгари бажарилди. Колхоз бошқа маҳсулотларни ҳам кўплаб етказиб бермоқда.

Лекин асосий маҳсулотимиз, хўжалигимизнинг шон-шуҳрати пахтамиздир. Пахта етиштиришдан кўра масъулиятлироқ вазифамиз йўқ. Бу йил она-Ватанга ҳар гектаридан 30 центнердан, жами 3100 тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилганмиз. Механизаторлар, сувчилар, барча колхозчилар ана шу катта хирмонни кўзлаб астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Бу йилги баҳор пахтакорлар маҳоратига яна бир синов бўлди. Ғўза парваришининг дастлабки кунларида об-ҳавонинг ноқулай келиши оқибатида талай қийинчиликлар вужудга келдики, колхозчилар бу қийинчиликларни мардонавор енгдилар. Ҳар гектар майдонда 100-105 минг туп ниҳол сақлаб қолинди.

Ғўзани серҳосил қилиб ўстириш, унинг ривожланишидаги кечикишни тугатиш учун 27 чопиқ тракторидан ташқари бошқа имкониятларни ҳам тўла ишга солишга тўғри келди. Пахта далаларида қудратли техника билан бир қаторда 57 та от культиватори ишлатилди. Ҳозиргача 1214 гектар майдондаги ғўза 4 марта комплекс парвариш қилинди. Мана энди ғўзамизнинг ривожи яхши, ҳосили яхши, деб бемалол айта олмаймиз. Ҳар туп ғўзада 6-7 тадан тўқ кўсак бор, шундан 1-2 таси етилиб, очилай деб қолди.

Лекин шуниси ўзи етарлими, 6-7 та кўсанга маҳлиё бўлиб, парваришни тўхтатиб қўйиш керакми? Аслида ҳақиқий деҳқон ўзига бундай савол бермайди. Чунки айни ҳозирги пайтдаги парвариш хирмонга барака киритади. Хоразмлик донгдор пахтакор Искандар Юсупов ўзининг «Мардларни майдон чорлайди» деган мақоласида «Сиртдан қаралса, аҳвол дурустга ўхшайди. Чунки ғўзанинг кўки яхши, лекин ҳали тўпланган ҳосил нам» деб жуда тўғри ёзган. Биз ҳам ишимизга ана шу нуқтаи назардан қараб чиқсак, ҳали кўп иш қилишимиз зарурлиги маълум бўлади. Ўзингиз айтинг, ҳозир имконият борида ғўза парваришини давом эттириб, ҳосилга ҳосил қўшган маъқулми, ёки ишни бўшаштириб юбориб, тўпланган ҳосил билан чекланиб қолган яхшими! Ахир, юбилей йилида зиммамизга катта мажбуриятлар олганмиз. Бу мажбуриятлар ортиғи билан бажарилса нур устига-нур эмасми!

Шунинг учун ҳам ғўза парваришини йиғим-теримгача сира бўшаштирмай давом эттиришга қарор қилдик. Ҳозир бутун диққат-эътиборимиз ғўза парваришига қаратилган. Механизаторлар ўртасида социалистик мусобақа авж олиб кетди. Тилов Бобоев, Нажим Мажидов, Ғор Йўлдошев, Наим Ҳамроев каби механизаторлар ҳозир ҳам 6-7 гектардан майдондаги ғўза қатор ораларини культивация қилмоқдалар.

Ғўзани ўз вақтида сифатли суғориш юзасидан контроллик қилиб бориш агроном ўртоқ Э. Холов зиммасига юклатилган. Сувчилар иши икки сменада ташкил этилган. Шунинг учун ҳам ғўза вақтида талабига яраша сув ичмоқда.

Яқинда машина теримига тайёргарлик масаласи муҳокама қилинди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан муҳим тадбирлар белгиланди. Бу йил 400 гектар майдондаги ҳосил машина билан териб олинади. Шу кунларда бу далаларда бирорта ҳам бегона ўт бўлмаслиги учун курашилмоқда. Мавсумда 150 тоннадан пахта териш мажбуриятини олган Бек Нормуродов, Мухтор Едгоров, Ғулом Олимов ўртоқлар ўз агрегатларини тахт қилиб қўйдилар.

Колхозчиларимиз ғўза парваришини августнинг охиригача давом эттириб, ҳар туп ғўзада 13-14 тадан кўсак бўлишини таъминлаш учун эўр бериб ишламоқдалар. Шубҳасиз, яхши ният билан қилинаётган меҳнат ўз самарасини беради.

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Атоқли лавлагикор, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Суракан Қайназаров, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бош чўпон Боқий Мусуралиев, республика Олий Советининг депутати, пахтакорлар бригадасининг бошлиғи Саодат Нўғаева, атоқли қўйчивон Тўлабек Дўсбергенов, сут соғувчилардан Қадича Султонбоева ва Галина Пронина, чўчқабоқар Андрей Нольхин ва янги қаёт қуришда актив қатнашаётган бошқа шу каби кўпгина кишиларнинг номлари ўз республикангиздагина эмас, балки бутун мамлакатда ҳам кенг машҳурдир. **(Қарсаклар).**

Партия қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсив ривожлантиришдан иборат гоят катта аҳамиятга эга бўлган вазифани қўйди. Колхоз ва совхозлар тобора кўплаб машина, минерал ўғитлар олиб турибди. Шу йилнинг ўзида Қирғизистонга тахминан 2700 та трактор, мингдан ортиқ ҳар хил комбайн, 280 та пахта териш машинаси, кўп миқдорда бошқа хил техника етказиб берилади. Республика ўтган йилдагидан 50 минг тонна кўп минерал ўғит олади.

Республикада уй-жой қурилиши тобора кенг миқёсларда авж олдирилмоқда. Етти йилликнинг фақат беш йили ичида шаҳарлар ва ишчи посёлкаларида умумий саҳни уч миллион квадрат метрдан иборат уй-жойлар, қишлоқларда эса 41 минтта уй қуриб олинди.

Мамлакатимиздаги ҳамма халқлар қатори Қирғизистон меҳнаткашларига ҳам Совет ҳокимияти билим ва маданият эшигини кенг очиб қўйди. Революцияга қадар Қирғизистонда бор-йўғи бир неча ўн кишининг ўрта ва олий маълумоти бор эди. Ҳозир республикада олий ва ўрта маълумотли мутахассислар 90 минг кишидан ошади ва шуниси айниқса муҳимки, буларнинг орасида 50 мингга яқин хотин-қизлар бор. Ёки мана бундай бошқа бир диққатга сазовор мисолни айтмайсизми: ҳозир республикадаги ҳар ўнг минг аҳоли ҳисобига юздан ортиқ студент бор. **(Қарсаклар).**

Илгари ўз ёзувига эга бўлмаган халқ ўз адабиёти ва санъатини яратиб олди ва уни муваффақият билан ривожлантирмоқда. Ажойиб ёзувчиларигиздан Ленин мукофоти лауреати Чингиз Айтматов, Давлат мукофотининг лауреати Тугелбой Сидиқбеков, халқ оқини Али Тўқонбоев ва қирғиз адабиётидаги бошқа устоз ёзувчиларнинг китоблари бутун мамлакатимизда ўқилмоқда. **(Қарсаклар).**

Биз экономикани ва маданиятни ривожлантиришда эришган муваффақиятларингиз билан қувонмоқдамиз. Лекин Совет Қирғизистонида ажойиб кадрлар тарбиялаб етиштирилганлиги, улуғ коммунизм ишининг галабаси учун фидокорлик билан курашувчи оташин ватанпарвар кишилар камол топгандиги партия билан халқни айниқса қувонтирмоқда ва фахрлантирмоқда. **(Қарсаклар).**

Қирғизистон меҳнаткашлари улуғ Ватан урушининг машаққатли йилларида Ватанга чексиз содиқликларини намойиш қилдилар. Қирғизистонлик неча ўн минглаб жангчилар орден ва медаллар билан тақдирландилар, Ватаннинг шавкатли ҳимоячиларидан 66 киши эса Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари бўлиб қолди. Гвардиячи панфиловчиларнинг Москва бўсағасида кўрсатган жасорати ҳаммага маълумдир, уларнинг орасида қирғизлар кўп эди.

Қирғиз халқининг ботир ўғли Душенқул Шопоқов 28 та гвардиячи панфиловчиларнинг бири эди. Унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони халоқ бўлганидан кейин берилди. У ва унинг ўртоқлари Москвани ҳимоя қилиш билан бутун Совет Ватанимизни ҳимоя қилдилар. **(Қарсаклар).**

Мен қаҳрамон Шопоқовни яна шунинг учун ҳам эсламоқдаманки, унинг умр йўлдоши, оддий колхозчи меҳнаткаш Керимбиби Шопоқова эрининг ўлмас жасоратини давом эттирди ва совет қирғиз аёлига хос юксак маънавий фазилатларнинг ажойиб намунасини кўрсатди. Унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. У, республиканинг Олий Советига депутат қилиб сайланди. **(Қарсаклар).**

Совет Қирғизистони қардош совет халқлари аҳил ва ягона оиласининг таркибий ва ажралмас қисмидир. Қирғизистондаги қурилишларда, ундаги корхоналарда, совхоз ва колхоз далаларида фақат қирғизлар меҳнат қилишаётгани йўқ, руслар, украинлар, ўзбеклар, қозоқлар, тожиклар ва татарлар, уйғурлар, кўпгина бошқа совет халқларининг вакиллари қирғизлар билан ёнма-ён туриб ишлашмоқда. Уларнинг меҳнати умумий мақсадга — коммунизмга қаратилгандир.

Ўз навбатида қирғиз халқининг вакилларини кўрик ерларни забт этаётган жасурлар орасида ҳам, Абакан—Тайшет йўлининг мард қурувчилари орасида ҳам, Заполярьедаги Норильск шаҳрида ҳам, жанубдаги Сумгаитда ҳам учратиш мумкин.

Ўн беш иттифоқдош суверен республиканинг бири бўлган Совет Қирғизистонининг муваффақиятлари партиямизнинг миллий муносабатлар соҳасидаги ленинча йўли тўғри йўл эканлигидан яққол далолат бериб турибди. Кенг авж олдириб юборилган коммунистик қурилиш миллатларни янада яқинлаштиришга, уларнинг бирлигини мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда. Бизнинг мамлакатимизда миллатларнинг ривожланиши қардошларча ўзаро ёрдам ва дўстлик асосида олиб борилмоқда; миллий адоват, миллий чекланиш ва ҳудбинлик сингари ўтмишнинг жирканч белгилари бу ривожланишга ёт нарсадир.

Сизлар Осиёнинг қоқ марказида яшамоқдасиз. Ўрта Осиёдаги Совет республикалари — Шарқдаги ҳамма халқлар, учун чорловчи машъал бўлиб, қаётни янгича, коммунистик асосда қандай қилиб қуриш керакдигини уларга кўрсатиб бермоқда. **(Қарсаклар).** Тўғри, Шарқдаги бошқа совет республикалари сингари сизларнинг ҳам Осиё мамлакатлари қаторида турганлигингизга баъзилар шубҳаланмоқдалар. Улар Совет Иттифоқи ҳам Европа, шунингдек ҳам Осиё мамлакати эканлигига шубҳаланмоқдалар, ваҳолонки, Совет Иттифоқи территориясининг анчагина қисми Осиё қитъасидаги республикалар ва ерлардан иборатдир, кўпгина халқлар эса Осиёнинг энг тағ жой халқларидан бири бўлиб, ўзининг қадимги тарихига ва минг йиллик маданиятига эгадир. Ёш болалар география билан тарихни билмаса, бунга бир нарса дейиш қийин, лекин сиёсат билан шуғулланаётган капкатта одамларнинг шундай қилиши сира ярашмаган иш. **(Қарсаклар).**

Совет Осиёси яшамоқда, ривожланмоқда, олга қадам ташлаб бормоқда, янги қаёт қуришда халқларга ибрат кўрсатмоқда! Совет Осиёси — Ўрта Осиёдаги совет республикаларидангина иборат бўлиб қолмай, неча юз миллион пудлаб галла бераётган Қозоғистондаги кўрик ерларимизни ҳам, Сибирнинг индустриал куч-қудратини ҳам, Шарқнинг электр қуёши бўлган Братскни ҳам, совет космик кемалари парвоз қилаётган ерларни ҳам, ниҳоят, узоқ бўлсада, лекин Владимир Ильич Ленининг ибораси билан айтганда, «бизники» бўлган, рус кишилари барпо этган Владивостокни ҳам ўз ичига олади. Совет Иттифоқи фақат Европа мамлакати бўлиб қолмай, айни маҳалда Осиё мамлакати ҳамдир. География ва тарих билан ҳисоблашмаётган баъзи капкатта одамлар буни истайдиларми, йўқми, — бу ҳақиқатда шундай. **(Қарсаклар).**

Азиз ўртоқлар!

Бугун юртингизда катта байрам, обдон ва яхши меҳнат қилиб, зўр ютуқларни қўлга киритдингиз. Лекин ҳал бўлмай турган вазифаларимиз борлигини биз тантана кунларида ҳам унутмаймиз. Шу сабабдан, ишимизга якун ясаш билан бирга, ҳали ҳам мавжуд бўлган камчиликларни йўқотишга, ҳамма имкониятларимиздан тўлароқ фойдаланишга бутун куч-қуватимизни сафарбар этмоғимиз керак.

Биз ўз ишимизни шу зайлда ташкил этишимиз лозимки, ҳар бир саноат корхонаси маҳсулот ишлаб чиқариш планини бажарадиган бўлсин. Агар планни бажармайдиган корхона битта ҳам қолмаса, унда Қирғизистон саноати ўз тараққиётида янги марраларни эгаллайди.

Қурилиш планларини бажариш учун, саноат корхоналарининг қувватларини тезроқ ишга туширши ва ўзлаштириб олиш учун қураш — республика партия ташкилотининг, саноат ва қурилиш ташкилотларининг муҳим вазифаларидан биридир. Капитал қурилиш учун давлат республикангизга катта-катта маблағ ажратиб бермоқда. Ана шу маблағлардан оқилона суратда фойдаланиш, бу маблағларнинг иложи борича тезроқ самара келтиришига, қўлимизга маҳсулот бўлиб қайтишига эришиш керак.

Бу нарса капитал қурилишга раҳбарликни кучайтиришни, маблағларнинг кўпдан-кўп объектларга сочиб юборилишига йўл қўймасликни, қурилишнинг индустриал базасини барпо этишга эътибор билан қарашни, янги материаллар ва конструкцияларни қунт билан жорий этишни талаб қилади.

Қирғизистонда асосий бойлик ҳисобланган ердан айниқса сугориладиган деҳқончилик зонасида ҳамон тўлиқ фойдаланилмаётганлигини ҳам айтиб қўймоқчиман. Бу масалага эътибор бериш керак. Ҳамма ерлар ва даставвал сугориладиган ерлар ҳалққа хизмат қилдирилиши лозим.

Сизларда қанд лавлаги етиштириш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида муҳим ўрин тутади. Қанд лавлаги етиштираётган 67 та колхоз ва совхоздан 24 таси ўтган йили гектар бошига 350 центнердан ортиқ ҳосил олди. Ўртоқ Светличний методи асосида ишлаётган илгор звеноларр 450-500 центнердан лавлаги йиғиштирмоқда. Масалан, Қирғизистон машина-синаш станциясида ўртоқ Осипенко звеноси 128 гектар майдонда ҳосилдорликни 490 центнерга етказди. Бу жуда яхши иш.

Лекин республикадаги ҳамма хўжаликлар ҳам ана шу тахлитда ишлаяпти, деб бўлмайди. Кўпгина колхоз ва совхозлар қанд лавлаги етиштиришни фақат экин майдонларини кенгайтириш йўли билан кўпайтиришга ҳаракат қилиб, қанд лавлаги ҳосилдорлигини оширишга кам эътибор бермоқдалар.

Сугориладиган ерларнинг ҳар гектаридан 500-600 центнер қанд лавлаги олиш мумкинлиги сизларнинг тажрибангизда исбот қилинди.

Мен кеча машина-синаш станциясида бўлиб, механизатор Н. Осипенко билан ва унинг қанд лавлагини парвариш қилаётган ўртоқлари билан суҳбатлашдим. Улар гектар бошига 500 центнер ва ундан ҳам кўпроқ лавлаги олажакларини айтишди.

Мен В. И. Ленин номли колхозидаги (раиси ўртоқ Т. С. Климчук) лавлагини ҳам кўрдим. Бу колхозда қанд лавлаги пайкаллари ҳам жуда яхши аҳволда бўлиб, мутахассисларнинг айтишларича, ҳар гектардан 500 центнер лавлаги олинади.

Сугориладиган деҳқончилик маданияти юксак даражада бўлган тақдирда, бундай ҳосил бутун республика учун нормага айланиб қолиши мумкин, деган фикрдаман.

Лекин шуни айтиб қўймоқчиманки, бизни Қирғизистоннинг фақат қанд лавлагисигина қизиқтирмайди, сизларнинг пахтангиз ҳам қизиқтиради. Шу сабабдан пахтага ўғай кўз билан қарай кўрманглар. Пахта мамлакат экономикаси учун жуда керакли экин бўлиб, колхозлар билан совхозларнинг ўзлари учун ҳам жуда фойдалидир. Пахта кўп даромад беради, бу эса колхозларнинг жамоат хўжалигини мустаҳкамлашга, колхозчиларнинг моддий фаровонлигини оширишга ёрдам беради.

Қирғизистон пахтакорлари пахтадан мўл ҳосил олишга қодир эканликларини исботладилар.

Жданов номли колхоз раиси ўртоқ Кочубаевнинг нутқини ҳаммамиз катта эътибор билан тингладик. Бу ажойиб ташкилотчи ва миришкор деҳқон Совет Қирғизистонида ўсиб камолотга эришган авлоднинг вакилидир. У раҳбарлик қилаётган колхознинг қандай ютуқларга эришганлигини кўринг. 1.200 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 44 центнер пахта олибди. Америка Қўшма Штатларида пахтадан шундай ҳосил етиштирган хўжалик аҳалли бironта ҳам топилмаса керак, деб ўйлайман. Қўшма Штатларда ҳар гектардан ўрта ҳисобда беш центнер пахта толаси ёки 15-17 центнер чигитли пахта етиштирилмоқда. Сизнинг колхозингиз ҳар гектардан 44 центнер пахта териб олган! **(Давомли қарсаклар).**

Ишлаб чиқаришнинг зўр ташкилотчиси, янги техниканинг заршуноси бўлиб қолган қирғиз аёли, бригада бошлиғи Саодат Нўғаева мана шу минбарга чиқиб гапирди. У пахта териш машинасида 115 тонна пахта терган. Бундай одамлар ленинчи партиямизнинг ифтихоридир. Илгари хор-зор бўлиб келган ва ҳозир ҳам Шарқдаги капиталистик мамлакатларда хорларликда қолаётган хотин-қизлар совет тузуми шароитида юксак чўққиларга кўтарилди. Фақат совет ҳокимияти, ленинча миллий сиёсатгина хотин-қизларнинг меҳнатини, уларнинг инсон, дўст, янги қаёт бунёдкори, коммунизм бунёдкори сифатидаги қадр-қимматини улуғлади. **(Гулдурос қарсаклар).**

Мен бугун республикангиз Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлдим. Шу виставкани кўриб, қирғиз халқи билан, совет тузумимиз билан, улуғ Ленин партияси билан фахрланиб кетдим. Совет тузуми Ўрта Осиё республикаларидаги халқларни нақадар юксакликка олиб чиқди! Ленинча миллий сиёсатнинг тантанасини ана шу виставка павильонларида айниқса яққол ҳис қиласан, киши. Мен оғир ва енгил саноатнинг, машинасозлик саноатининг биринчи даражали маҳсулотларини кўрдим, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муваффақиятларингиз билан танишдим.

Қирғизистон олимларининг қўйчилик соҳасидаги ишлари менда катта таассурот қолдирди. Сизларда қўйларнинг қимматли наслари яратилибди, бу ҳақда профессор М. Н. Лушчихин яхши гапириб берди. Сизларда сигирларнинг сутини серёғ қилиш соҳасида гоят диққатга сазовор ишлар олиб борилмоқда. Мен бу масала билан кўпдан буён қизиқиб келаман, академик Т. Д. Лисенконинг фермасида бўлганман, унинг қилаётган ишлари муҳим аҳамиятга эга, деган гапни неча марталаб айтганман. Ўртоқ Лисенконинг сутни серёғ қилиш соҳасидаги методидан сизлар ҳам фойдаланаётганлигингизни билиб хурсанд бўлдим. Виставкада Афанасия Зотовна Квитко 4-4,5 минг килограмм сут бераётган, сутида 4,8-5 процент ёғи бўлган дурагай сигирларни кўрсатди. Шундай сигирлардан кўжалик ҳар йили ўрта ҳисобда 200-230 килограммдан сариёғ олянти.

Деҳқончилик институтининг иккинчи экин сифатида гречиха етиштириш соҳасидаги тажрибалари мени қизиқтирди. Арпа ўриб олинганидан кейин ўрнига гречиха экилган экан. У гектар бошига 15 центнер ҳосил берибди. Бу — ажойиб натижа.

Сиз, қирғизларга гречиханинг ўнчалик қадри йўқдир, эҳтимол, чунки сизлар бешбармоққа ўрганиб қолгансизлар. **(Кулги. Қарсаклар).** Лекин бошқалар учун гречиха шавласи жуда татимли таомдир, уни руслар, украинлар, белоруслар ҳузур қилиб ейдилар, хойнахой баъзи қирғизлар ҳам айниқса сут солинган гречиха шавласидан қайтмасалар керак. **(Қарсаклар).**

Сизларнинг виставкангиз — Қирғизистон республикасида экономика, фан ва маданият яшнаб кетганлигининг яққол далилидир. Лекин, ўртоқлар, қўлга киритилган муваффақиятлар саноат ва қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун курашда иродамизни бўшаштириб қўймаслиги керак, буни ўзларингиз ҳам тушуниб турагандирсизлар, албатта. Катта-катта вазифаларни ҳал қилишимиз лозим бўлиб турибди. Халқ эҳтиёжларини тўлароқ қондирмоқ учун меҳнат унумдорлигини янада оширишимиз, тағин ҳам кўпроқ бойлик жамғаришимиз керак. **(Қарсаклар).**

Республикангизда қўлга киритилган ҳамма ютуқлар — ишчилар, колхозчилар, интеллигенция фидокорлик билан қилган меҳнатнинг, қаҳрамонлик билан сарфлаган куч-гайратларнинг самаралари, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг шонли отрядларидан бири — Қирғизистон Коммунистик партияси амалга оширган каттагина ишнинг натижасидир. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Улуғ Ленин байроғи остида маҳкам жипслашган Совет Иттифоқидаги барча халқлар коммунизм қуриш йўлидан шаҳдам қадам ташлаб бормоқдалар. Мамлакатимиз экономикаси мустаҳкамланмоқда. Саноат яхши ишлаб турибди. Биринчи ярим йиллик план 103 процент бажарилди. Беш ярим йил ичида саноат пландан ташқари қариб 40 миллиард сўмлик маҳсулот берди.

Партия Марказий Комитетининг декабрь ва февраль Пленумлари белгилаб берган тадбирларнинг амалга оширилаётгани натижасида қишлоқ хўжалиги тағин ҳам баландроқ марраларга чиқиб олмоқда. Дастлабки натижаларга шу йилнинг ўзидаёқ эришилажаги шак-шубҳасиздир. Бунинг учун бизда ҳамма имкониятлар бор. Мамлакатнинг кўпчилик районларида яхшигина ҳосил етиштирилди. Ҳозир энг муҳим вазифа — ана шу ҳосилни сира, нобуд қилмасдан уюшқоқлик билан йиғиштириб олиш, давлат олдидаги мажбуриятни бажариш, бўлажак ҳосилнинг гамини еймасдан ишлаш.

Азиз ўртоқлар! Будратли ва равнақ топувчи экономикани барпо этиш партия ва бутун совет халқининг ҳамиша энг муҳим вазифаси бўлиб келди.

Партиямиз, ҳукуматимиз экономикани юксалтиришга шу қадар кўп эътибор бераётганликлари, кишиларни меҳнат унумдорлигини оширишга чақираётганликлари учун бир компартиянинг раҳбарлари бизни танқид қилмоқдалар. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси экономикани ривожлантириш асосида халқнинг турмуш даражасини кўтариш вазифасини қўяётганлиги учун бизни танқид қилмоқдалар. Меҳнат унумдорлиги қанча юқори бўлса, маҳсулотлар шунча кўп яратила беради, меҳнаткашларнинг эҳтиёжлари шунча яхши қондирила беради, деган гапни айтиб келдик ва айта берамиз. Бу—совет экономикасининг бузилмас қоидасидир. **(Қарсаклар).**

Партиямиз шу гапни айтаётган экан, у бу билан Ленининг васиятини ado этмоқда. Социализм ва коммунизмга қараб илгарилаб борилган сайин меҳнат унумдорлиги оша беради, моддий неъматлар жамғариб борилаверади ва ана шу неъматлардан халқнинг турмуш даражасини ошириш учун фойдаланмоқ керак, деган гапларни В. И. Ленининг ўзи биринчи бўлиб баён қилган эди. В. И. Ленин экономикани ривожлантириш қақидаги мақсадни эълон қилдигина қолмади, айни маҳалда экономикани ривожлантиришнинг кенг программасини ишлаб ҳам чиқди, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан ишчиларни, деҳқонларни, мутахассисларни моддий манфаатдор этиш принципларини баён қилиб берди. Бизнинг партиямиз Ленининг социализм ва коммунизм қурилиши тўғрисидаги васиятларини рўёбга чиқармоқда. Меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш учун курашиб келди ва курашмоқда.

Бизнинг мамлакатимизда экономикани ривожлантириш ва халқнинг турмуш даражасини ошириш юзасидан кенг тадбирлар ишлаб чиқилганини бир партиянинг раҳбарлари: бу—ревизионизмдан бўлак нарса эмас, бундай сиёсат одамларнинг «буржуалашуви»га ва бекорчи хўжа бўлиб қолишига олиб боради, деб даъво қилмоқдалар. Тағин шу гапни ўзларини марксист деб атаётган одамлар айтмоқдалар. Бундан чиқди бизнинг ленинчи партиямиз одамларни яхшироқ ишлашга, меҳнат унумдорлигини оширишга, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга, зарур жамғармалар вужудга келтиришга ва шу асосда ҳисоблаш-нашр Партиямизнинг халққа яхшироқ ҳаёт кечириш имкониятини яратиб беришдан ҳам бўлак яна қандай муқаддасроқ вазифаси бўлиши мумкин. **(Қарсаклар).** Шу сабабдан, биз ҳам моддий, ҳам маънавий эҳтиёжларингизни тўлароқ қондириш учун экономикани бутун чоралар билан ривожлантирингиз, деб совет кишиларига мурожаат қилиб келдик ва мурожаат қилмоқдамиз, уларни шунга даъват этмоқдамиз. Коммунизм қурилиши деб, қаётимиз ва курашимизнинг мақсади деб мана шуни айтадилар. **(Гулдурос, давомли қарсаклар. «Ура!» деган хитоблар).**

Одамларнинг турмуш даражасини ошириши... ревизионизм деб ҳисоблаётган калтафаҳм йўлбошчилар ва калтафаҳм революционерлар яхшироқ ҳаёт кечиришни истамаган одамни ўз мамлакатларидан ақалли бironта бўлса ҳам топиб берсинлар-чи. Ўртага тўсиқ қўйиб, одамлардан ўзини ажратиб олган қорни тўқ кишигина ана шу одамларнинг очликдан баъзан нақадар азоб чекаётганини кўрмайди, уларнинг орзу-умидларидан бехабар бўлади, турмушнинг яхшиланиши одамларнинг айниб кетишига олиб боради, деб даъво қилиши мумкин.

Ленин, большевистик партия халқни помещикларга, капиталистларга қарши қўзғолон кўтаришга чорлаганларида, улар одамларни энг яхши ҳаётга чорлагай эдилар, бу қўзғолон меҳнат аҳлига фақат озодлик келтириб қолмай, моддий неъматлар ҳам келтиради, деб таъкидлаган эдилар.

Бинобарин, бир компартиянинг раҳбарлари шу гапни халққа айтишдан қўрқаётган бўлсалар, улар моддий манфаатдорликдан иборат ленинча принципларни инкор этаётган бўлсалар, халқ учун энг яхши ҳаёт яратиб беришни ҳар қандай шаклда тилга олиш уларнинг фикрича, марксизмдан орқага қайтиш бўлса, ҳўш, бундай раҳбарлар тўғрисида нима дейиш мумкин.

Улар ишчилар синфининг кучларига, деҳқонларнинг кучларига ишонмаяптилар, революция ғалабасидан кейин, капиталистлар билан помещиклар агдариб ташлангандан кейин бизга қоладиган ҳатто энг қолоқ экономикани ҳам юксак даражада ривожланган экономикага айлантириб, шу асосда халқ учун энг яхши ҳаётни яратиб бериш мумкинлигига ишонмаяптилар.

Бунга қарама-қарши ўлароқ, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси халқнинг кучларига ишониб келди ва ишонмоқда. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси В. И. Ленин таълимотига амал қилиб, халқни конкрет иқтисодий вазифаларни ҳал қилишга сафарбар этди, равнақ топаётган экономикани вужудга келтирди, халқ учун энг яхши ҳаёт яратиб бериш вазифасини комил ишонч билан ҳал қилмоқда. Бизнинг мақсадимиз, бурчимиз—ана шундан иборат, коммунизм қурилишининг маъноси ана шундан иборат. **(Давомли қарсаклар).**

Коммунизмнинг энг муҳим хусусияти шуки, унда моддий неъматлар мўл-кўл бўлади, ана шу неъматлардан халқ манфаатлари учун фойдаланилади. Бизда шундай замонлар бўлдики, баъзи ўртоқлар ишчи ва деҳқонларга—мана, коммунизм келсин, ўшанда табингиз хоҳласа ишлайсиз-у, лекин эҳтиёжингизга яраша овқат еяберасиз, деган эдилар. Меҳнати сингганми, йўқми, бундан қатъи назар, кимнинг иштаҳаси яхшироқ бўлса, ўша кўпроқ овқат ейди, деган эдилар. **(Кулги).** Хайриятки, коммунизмни шу тахлитда тушунишдан биз аллақачонлар қутулиб олдик.

Бизнинг партиямиз одамларга мана бундай демоқда: эҳтиёжга яраша овқатланмоқ учун — шунча маҳсулот етиштириш керакки, ҳар бир кишини бугун тўйдириб боқишдан ташқари, эрталик овқат ҳам гамлаб қўйилган бўлсин. Бунинг учун эса меҳнат унумдорлигини ошириш, саноатни, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, экономикани юксалтириш, илм-фанни олга бостириш, ишлаб чиқарувчи кучларни тараққий эттириб, жамиятнинг барча моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўлиқ қондирадиган даражага етказиш керак.

Бизни танқид қилаётган кишилар коммунизмни биздан олдинроқ қурмоқчи бўлдилар. Совет Иттифоқи коммунистларига сизлар коммунистик таҳсимот принципларига ўтишда орқада қолмоқдасиз, деб таъна қилдилар.

Коммунизмга бундай «жадал» ўтиш нимага олиб келгани маълум—ишлаб чиқаришнинг издан чиқишига ва очарчиликка олиб келди.

Бундай «коммунизм»нинг бизга дарҳоли йўқ. Совет халқи Маркс ва Ленин орзу қилган коммунистик жамиятни — эксплуататорлардан ҳоли бўлган жамиятни, саноати ва қишлоқ хўжалиги, фани ва маданияти юксак даражада ривожланган жамиятни, инсоннинг ҳамма эҳтиёжлари тўлиқ қондирилади ва жамиятнинг барчо моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўлиқ қондирадиган даражага етказиш керак.

Бизни танқид қилаётган кишилар коммунизмни биздан олдинроқ қурмоқчи бўлдилар. Совет Иттифоқи коммунистларига сизлар коммунистик таҳсимот принципларига ўтишда орқада қолмоқдасиз, деб таъна қилдилар.

Коммунизмга бундай «жадал» ўтиш нимага олиб келгани маълум—ишлаб чиқаришнинг издан чиқишига ва очарчиликка олиб келди.

Бундай «коммунизм»нинг бизга дарҳоли йўқ. Совет халқи Маркс ва Ленин орзу қилган коммунистик жамиятни — эксплуататорлардан ҳоли бўлган жамиятни, саноати ва қишлоқ хўжалиги, фани ва маданияти юксак даражада ривожланган жамиятни, инсоннинг ҳамма эҳтиёжлари тўлиқ қондирилади ва жамиятнинг барчо моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўлиқ қондирадиган даражага етказиш керак. **(Гулдурос қарсаклар).**

Шу кунларда мен мамлакатимизнинг кўпгина районларида бўлдим. Саратов, Волгоград ва Ростов областларида, Краснодар ўлкасида, Адигея автоном областида, Шимолий Осетия, Татаристон ва Бошқирдистон республикаларида қишлоқ хўжалик ва саноат меҳнаткашлари билан учрашдим. Куни кеча Кўрик ўлкасидан қайтиб келдим, сўнгги йилларда бу ўлкада 19 миллион гектар янги ер ўзлаштирилди. **(Қарсаклар).**

Мана шу қилган сафарим тўғрисида нима дейишим, мумкин? Ҳамма жойда ишчилар, колхозчилар, мутахассислар, олимларнинг фидокорона меҳнати натижаларини кўрдим. Улар яхши ҳосил етиштиришди, давлатга кўпгина дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотадилар.

Мен баъзи рақамларни илгари айтиб берган эдим, шу рақамларни яна бир карра завқ билан қайтариб айтаман. Саратов областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу йил 200 миллион пуд дон топширамиз, дейишди. **(Қарсаклар).**

Волгоград ва Ростов областлари давлатга 200 миллион пуддан дон сотишни ваъда қилишмоқда. **(Қарсаклар).** Украина колхоз ва совхозлари ҳозиргача давлатга 523 миллион пуд галла топширишган бўлса, ҳаммаси бўлиб 700 миллион пуд, балки бундан ҳам кўпроқ дон топширишмоқчи. **(Қарсаклар).** Бошқирдистон ва Татаристон республикалари қувончли ишларни қилишди. Улар ҳам мўл ҳосил етиштиришди ва Бошқирдистон юз миллион пуд дон бериш мажбуриятини олганлигини сизлар ҳам ҳойна-ҳой биларсизлар. Татаристон республикаси ўз планларини муваффақият билан бажарди. **(Қарсаклар).**

Кўрик ўлкасига қилган сафаримдан айниқса кўп хурсанд бўлдим. Бу ерда мен бугдойнинг ажойиб битганини кўрдим. Шу ўлкадаги бепоён даштларда бир-икки кун юрсангиз ҳам нуқул бугдойзор кетидан бугдойзорни кўраверасиз. Қозоғистон бу йил мамлакатга бир миллиард пуд, шу жумладан Кўрик ўлкаси қариб 800 миллион пуд дон беришни ваъда қилмоқда. Бу ажойиб гап. **(Қарсаклар).**

Ўрта Осиё республикалари бу йил дон етиштириш ва сотишни кўпайтирмоқдалар. Қўшнингиз — Ўзбекистон республикасининг қишлоқ хўжалик ходимлари ҳозиргача 35 миллион пуд галла топширдилар, жами бўлиб эса 40 миллион пуд дон сотадилар, ваҳолонки, яқиндагина Ўзбекистонда 5-10 миллион пуд дон тайёрланар эди, холос. **(Қарсаклар).**

Хуллас, мамлакатга кўпроқ дон бериш, озуқабоп донга бўлган эҳтиёжларни қондирибгина қолмай, айни маҳалда резервлар барпо этиш мақсадида совет кишилари яхши тер тўкиб ишладилар.

Ўтган йили кўрик ерларда қурғоқчилик бўлиб қолганида Совет Иттифоқида кўрик ерларни ўзлаштириш ҳеч қандай натижа бермади, деб чет эл матбуотида бирталай гаплар ёзилди. Партиянинг кўрик ерларни ўзлаштиришдаги сиёсати зўр ғалаба билан якунланганлигини эндиликда ўзимизнинг ҳамма муҳолифларимизга яна бир карра кўрсатиб қўядиган бўлдик. Кўрик ерлар мамлакатимиз олдида каттакатта бойликлар очиб берди ва коммунистик қурилиш ишига яхши хизмат қилиб келмоқда. **(Қарсаклар).**

Бу сафарим вақтида сугориладиган ерларда маккажўхори етиштириш имкониятлари билан танишганимиз матбуот орқали биласизлар. Сугориладиган ерларга маккажўхори экиш йўли билан яхшигина ем-хашак базаси вужудга келтириш, қорамолларни сўқимга боқишни кенг кўламда йўлга қўйиб юбориш мумкин. Бу вазифани ҳал қилишда сизларнинг республикангиз ҳам актив иштирок этса бўлади. Сизларда иссиқ кўп, қирғизлар сугориладиган деҳқончилик соҳасида тажрибали бўлиб қолишган. Сизларнинг сугориладиган ерларингизда маккажўхори яхши ўсади. Агар сугориш учун тегишли ишлов берилса, ҳосилдорлик ҳар гектардан 120 центнер дон оламан, агарда маккажўхорини силос бостириш учун йиғиштириб олсам, ҳар гектар ердан чиқадиган поя билан сўта минг центнердан ошиб кетади, деди. Ана шу озуқа бир ярим тонна мол гўшти олишга етади. Ана, сизга бешбармоққа кўшимча гўшт. Қирғизистонда эса мол гўштини хойна-хой яхши кўрсалар керак. **(Қарсаклар).**

Қўйчиликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлардан тўла фойдаланиш керак, албатта. Қирғизистон қўй гўшти ва жунни анча кўпроқ етиштира олади.

В. И. Ленин таълим бериб айтганидек, экономика — коммунизм учун асосий кураш майдонидир. Меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларига боғлиқдир. Бизда иқтисодий тараққиёт соҳасида қўлга киритиладиган ҳар бир ютуқ халқнинг турмуш даражасини юксалтириш борасидаги у ёки бу тадбирнинг амалга оширилиши билан боғланган. Совет кишилари бунга ишонч ҳосил қилдилар ва тобора кўпроқ ишонч ҳосил қилмоқдалар.

Партия ва ҳукумат мамлакатнинг ўсиб бораётган иқтисодий қудратига таяниб, ҳозир катта аҳамиятга эга бўлган вазифаларни амалга оширдилар: колхозчи деҳқонларга пенсия таъминоти белгиланмоқда, ўқитувчилар, врачлар ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги бошқа ходимларнинг иш ҳақи анча оширилмоқда. Ўртоқлар, бу —совет тузумининг янги ғалабасидир. Бу — партиямизнинг ҳамма нарса инсон учун, ҳамма нарса халқ бахт-саодати учун, деган шиорининг конкрет ифодасидир. **(Қарсаклар).**

Бу принципни изчиллик билан амалга оширмоқ учун, КПСС Программаси талаб қилганидек коммунистик қурилиш авж олдирилган борган сари халқнинг моддий фаровонлиги тўхтовсиз ўсиб бориши учун яхши меҳнат қилиш, меҳнат унумдорлигини узлуксиз ошириш, экономикани жадал суръатлар билан олга бостириш, халқ маъмурчилиги дастурхонини ҳамиша тўкин қилиш, давлатимизнинг қудратини мустаҳкамлаш зарур.

Ҳозирги халқаро аҳволга доир масалалар юзасидан қисқача гапириб ўтишни истар эдим.

Биз, Совет Иттифоқининг, бутун социалистик ҳамдўстликнинг халқаро аҳволи яхши ва мустаҳкам, деб ҳисоблаймиз. Совет Иттифоқининг экономикаси барқ уриб юксалмоқда. Бошқа социалистик мамлакатлар ҳам зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар ва турмуш томонидан илгари сурилаётган масалаларни — социалистик қурилиш, экономикани ривожлантириш ва ўз халқларининг фаровонлигини ошириш масалаларини муваффақиятли суратда ҳал этмоқдалар.

Аммо халқаро аҳволга баҳо берганда, шундай фактни ҳам эътиборга олишга тўғри келади: модомики, империализм ҳали мавжуд экан, у ўз агрессивлигини кутилмаган шаклда ва кутилмаган жойда ҳамиша кўрсатиб қўйиши мумкин. Африкада, Осиёда ва Латин Америкасида мустамлакачиларнинг оёғи тагидаги замин ловуллаб ёнмоқда, мустамлака империяларининг қолган-қутганлари ер билан яксон бўлмоқда. Бутун империализм системаси бир ларзадан иккинчи ларзага учрамоқда. Халқлар ўз ҳуқуқларини, ўз кучларини ишлаб олсанглар, ўқиб ўргансанглар, ишлар жўнашиб кетади. Ўқиб-ўрганишларингиз эса ҳам фарз, ҳам қарз. Мен яхши намунали ишларни кўриб, механизаторларни мақтадим. Лекин, азиз ўртоқлар, биздан ҳам яхшироқ ишлаётган механизаторлар бор-ку, деб бир ўйлаб кўринглар, деган мақсадда сизларни маълум даражада аванс тариқасида мақтадим. Яхши ишлаётган бўлсаларингиз ҳам, маккажўхорини ҳамма имкониятларидан фойдаланяпсизлар дейиш қийин. Маккажўхори ҳақиқатан ҳам пахлавон экин.

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

(Боши биринчи ва иккинчи бетда)

Халқларнинг бу кураши мустамлакачилик зулмидан тўла ва узил-кесил озод бўлганига қадар ўса боради. Сиёсий озодликка эришган ва мустамлакачиликнинг манфур кишанларини парчалаб ташлаган халқлар эса янги мустамлакачиликнинг барча формаларига ва кўринишларига қарши, иқтисодий жиҳатдан асорат остига тушиб қолишга қарши қатъий кураш олиб борадилар.

Ўз ҳаётининг янги палласига қадам қўяётган ёш суверен давлатларнинг халқлари капитализм йўлидан эмас, балки социализм йўлидан боргандагина мустамлакачилик асорати оқибатларини тез тугата оламиз, деб тобора баралла гапирмоқдалар. Бу мамлакатларда капиталистик тараққиёт йўлини четлаб ўтиб, ўз экономикаларини социалистик асосларда қуриш билан миллий мустақилликни мустаҳкамлаш учун, халқларнинг турмуш даражасини, уларнинг маданиятини барқ уриб ўстириш учун энг яхши шарт-шароитлар вужудга келтира олишларини тушунаётган кишилар тобора кўпаймоқда.

Империалистлар бу аҳволга, албатта, тоқат қила олмайдилар ва ҳеч қачон тоқат қилишни истамайдилар. Шу сабабли улар воқеаларнинг бу тарзда ривожланиб боришига турли баҳоналар билан қаршилик кўрсатадилар ва қуролли ҳужум қилишдан ҳам қайтмайдилар.

Коммунистик ва ишчи партияларнинг 1960 йилда бўлиб ўтган Кенгаши баёнотида ва 1957 йил Декларациясида Америка империализми ҳозир халқаро жандарм функциясини ўз зиммасига олди, деб таъкидланган эди. Америка империализми худди ўт ўчирувчи каби ҳамма жойда жадал ҳаракат қилишни истайди, аммо мустамлакачиликка ва империализмга қарши кураш алангасини халқ қони билан белаш учун, чириб кетган реакцион режимларни қўлқазиб қолиш учун жадал ҳаракат қилишни истайди. Ана шу халқаро жандарм мустамлакачилик зулмидан озод бўлиб, ўз ғалабаларини, ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашаётган халқлар устига ташланишга тайёр турибди.

Шарқи-Жанубий Осиёда ва хусусан Тонкин қўлтиғида бўлган воқеалар коммунистик ва ишчи партиялар Кенгашларининг ҳужжатларида Америка империализмининг ролига берилган бу баҳо тўғри эканлигини яққол исбот этади. Америка Қўшма Штатларининг империалистик кучлари жандарм каби очиқ ҳаракат қилиб, Вьетнам Демократик Республикасига ҳужум қилдилар. Улар Жанубий Вьетнам халқига қарши эълон қилинмаган урушни олиб бормоқдалар. Бу халқни эзмоқдалар. Америка империализми Лаоснинг ички ишларига аралашмоқда, Лаос халқининг демократик кучларига қарши реакцион доиралар томонида туриб ҳаракат қилмоқда.

Империализм кучларининг таъсири остида Туркия Кипр Республикаси суверен давлатининг территориясига ҳужум қилди, бу оролдаги шаҳар ва қишлоқларни бомбардимон қилди. Кипрга катта моддий зарар етказилди. Уйларни, албатта, тез тиклаб олиш мумкин, вайрон қилинган йўллар ёки причалларни янгидан қуриш мумкин. Аммо турк самолётларининг ваҳшиёна бомдардимонлари вақтида ўлдирилган кипрликларнинг ҳаётини қайтариб бўладими? Кипр тинч аҳолиси ўртасида эса неча юзлаб кишилар қурбон бўлди.

Аҳлирасо ҳар бир киши Туркиянинг ҳеч кимдан фотиҳа олмай туриб ана шу хатарли ҳарбий авантюрага киришмаслигини тушунади, албатта. Туркия НАТОнинг аъзоси ва аслида ана шу агрессив блокнинг сиёсатини белгилаб берувчи кучларнинг тамомила таъсири остида қолган. Кипрга ҳужум қилган Туркиянинг қуролли кучлари НАТО қуролли кучларининг таркибий қисми эканлигидан асло кўз юмиб бўлмайди. Тинч кипрликлар устига ташланган бомбаларда эса НАТО тамғаси бор. Шу сабабли барча фактлар империалистларнинг Кипрга қарши фитнаси, Кипрга қилинган ҳужумнинг махфий иплари Вашингтон ва Лондонга бориб тақалаётганлигини кўрсатади.

Кипр ҳукумати кипрлик туркларнинг яшаши учун тегишли шарт-шароитни туғдириб бермаганлиги Туркиянинг Кипрга ҳужум қилишига сабаб бўлди деган мулоҳазалар фактларга сира тўғри келмайди. Бунинг тагида бошқа бир сир бор. Кипр халқи инглиз мустамлакачиларига қарши курашга отланди ва муваффақиятларни қўлга киритди. Империалистлар икки жамоа ўртасида — грек жамоаси билан турк жамоаси ўртасида миллатчилик зиддиятларини авж олдириб, ҳозир Кипрни яна оккупация қилмоқчи бўлади ва ўзларининг ана шу империалистик мақсадларини кўзлаб, Туркияни ишга солмоқда.

Совет кишилари Кипрда осойишталик ҳукм суришини истайдилар. Бу оролда тинчликка олиб борадиган оддий ва равшан бир йўл бор — Кипрнинг ички ишларига аралашишни тўхтатиш, Кипрда ўзаро курашни тўхтатиш, ташқи кучлар томонидан игвоғалар мақсадида греклар билан турклар ўртасида бошланган отишмаларга чек қўйиш зарур. Англия ўз қўшинларини оролдан олиб чиқиб кетиши, Туркия Кипрнинг суверенитетини ва кипрликларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиши керак. Шундай қилганда Кипр тупроғида яшовчи греклар билан турклар ўз ораларидаги муносабатларга тааллуқли ҳамма масалаларни меҳр-муҳаббат билан қардошларча ҳал этадилар. Меҳнаткашлар ўртасида, грек ишчилари билан турк ишчилари ўртасида, грек деҳқонлари билан турк деҳқонлари ўртасида ҳеч қандай ихтилоф йўқку, ахир улари ҳам, булари ҳам ўзларини ва ўз бола-чақаларини боқиш учун пешона терларини тўкиб нон топмоқдалар.

Уларга ҳам, буларга ҳам низолар ва қуролли тўқнашувларнинг мутлақо кераги йўқ.

Биз агрессив кучларнинг эътиборини шу нарсага яна бир марта жалб этишни истар эдикки, Кипрнинг ички ишларига аралашиш ва низоли масалаларни Кипрнинг тинч аҳолисини, территориясини бомбардимон қилиш ва ўққа тутиш йўли билан, бошқа сўзлар билан айтганда, агрессив уруш йўли билан ҳал этишга уринишлар ҳеч бир яхшиликка олиб келмайди. Бу хилдаги масалаларни шундай йўл билан ҳал этмайдилар. Давлатнинг ички ишларига аралашиш, унинг суверен ҳуқуқларини бузиш муҳитни кескинлаштиради, халқаро аҳволни мушкуллаштиради, холос. Буларнинг ҳаммаси тинчлик иши учун жуда оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Биз Туркия билан қўшнимиз ва Туркия билан яхши муносабатлар ўрнатиш учун кўп иш қилдик ва ҳозир ҳам кўп иш қилмоқдамиз. Совет Иттифоқининг Туркия билан умумий чегараси анча катта. Бир денгиз — Қора денгиз бизнинг соҳилларимизни ювиб турибди. Бизнинг дўстимиз ва иттифоқчимиз қардош Болгария ҳам Туркия билан чегарадош. Биз бу районда тинчлик ва осойишталик бўлишини истаётганлигимиз тамомила тушунарли бир ҳолдир. Бизнинг фикримизча, турк халқи ҳам осойишталикка муҳтож ва у ҳам тинчликка ташнадир. Турк халқига ўзининг иқтисодий ва сиёсий проблемаларини ҳал этиш учун тинчлик зарур, маълумки, Туркия олдида турган бундай проблемалар оз эмас.

Совет Иттифоқи жанубий чегараларимиз яқинида авж олиб кетиши ва мамлакатимизнинг хавфсизлигига, шунингдек бизнинг дўстларимиз ва иттифоқчиларимиз бўлмиш давлатларнинг хавфсизлигига таҳдид қилиши мумкин бўлган қуролли низо хавфига бефарқ қарай олмайди ва қарамайди. Биз туркларнинг бомбардимончи самолётлари Кипрга бомбалар ташласа, Кипр аҳолисини, шу жумладан кексаларни, хотин-қизларни ва болаларни қира бошласа, бежазо қолмайди, деб Туркия ҳукуматини огоҳлантириб қўймоқчимиз. Туркларнинг ўзлари қилган ишларни бошқа мамлакатлар қилганларида ва бу мамлакатлар Туркия территориясига қарши худди шундай воситалардан, эҳтимол, бундан ҳам жиддийроқ воситалардан фойдаланганларида, Туркия ҳукумати бунга қандай баҳо берган бўлур эди? Бошқага ёмонлик қиладиган бўлсанг, сен бошқага қилмоқчи бўлган ёмонлик пировардида ўзингга қайтиб келиши мумкинлигини эсда тутишинг фойдадан холи бўлмас.

Кўрининг турибдики, бизнинг планетамизда уруш хавфини туғдираётган хатарли ўчоқлар ҳали сақланмоқда. Вьетнам ва Кипр каби бир-биридан жуда узоқ районларда бўлаётган воқеалар тинчлик учун, урушнинг олдини олиш учун курашда куч-ғайратни аямаслик кераклигини яна бир марта кўрсатади. Тинчлик учун, тинч-тотув яшаш учун кураш — Совет Иттифоқи ленинча ташқи сиёсати асосларининг асосидир. Совет Иттифоқи инсониятни ракета-ядро уруши хавфидан қутқазмоқ учун бундан буён ҳам тинмай кураш олиб бора беради. Мустаҳкам тинчлик, қуролсизланиш, тинч-тотув яшаш шундай олижаноб мақсадлардирки, совет ташқи сиёсатининг бутун кучи ана шу мақсадларга эришишга қаратилган. (**Қарсаклар**).

Азиз ўртоқлар!

Қўш орденли Совет Қирғизистонининг меҳнаткашлари ўз кучлари ва ғайратларини аямай, бундан буён ҳам коммунистик жамият қурувчиларнинг биринчи сафларида бўладилар, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз! (**Қарсаклар**).

Азиз ўртоқлар, сизларга ва сизлар орқали бутун қирғиз халқига яна бир марта бахт-саодат ва равнақ, Ватаннинг гуллаб-яшнаши, коммунизм тантанаси йўлидаги умумхалқ меҳнатида янгиянги ажойиб муваффақиятлар тилайман. (**Қарсаклар**).

Яшасин қўш орденли Қирғизистон Совет Социалистик Республикаси! (**Гулдурос қарсаклар**).

Яшасин бизнинг улуғ ва қудратли социалистик Ватанимиз! (**Гулдурос қарсаклар**).

Яшасин Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас қардошларча дўстлиги! (**Гулдурос қарсаклар**).

Яшасин мамлакатимизда коммунизм қурилишининг ташкилотчиси ва раҳбари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси! (**Гулдурос, давомли қарсаклар**).

ФАН ЮТУҚЛАРИ ВА ИЛҒОРЛАРНИНГ ТАЖРИБАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖОРИЙ ҚИЛАЙЛИК!

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ ҚИРҒИЗИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ВИСТАВКАСИНИ БОРИБ КЎРДИ

◆ ◆

ФРУНЗЕ, 16 август, (**матбуот группаси**). Қирғизистонда меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев бугун республика халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрди. Ўртоқ Н. С. Хрушчев билан бирга КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Поляков, шунингдек Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. Усубалиев, Қирғизистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Т. Қулатов, республика Министрлар Советининг Раиси Б. Мамбетов, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари М. А. Гаврилов, КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюроси раисининг ўринбосарлари В. К. Акулинцев ва С. М. Веселов, Ўрта Осиё Пахтачилик давлат комитетининг раиси В. Н. Куликов ва бошқалар ҳам келдилар.

Н. С. Хрушчев виставка билан танишишни республикада эғғ кўп тарқалган мол зотлари ва зот группаларини кўздан кечиришдан бошлади. Ана шу зотларнинг кўпчилиги Қирғизистонда олимлар билан мутахассислар ва практик-чорвадорлар ҳамкорлигида яратилган.

Қирғизистон қишлоқ хўжалик институти чорвачилик кафедрасининг мудири, Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик академиясининг корреспондент-аъзоси профессор М. Н. Лушчихин изоҳ бериб туради.

Табиатнинг ўзи бу ерда чорвачиликни ривожлантиришдаги асосий йўналишни белгилаб берган. Бу ерда қўйчилик кенг ривожланган. Республикада тоғлар ва тоғ этакларида яйловлар кўп. Уларда қорамолдан кўра қўй боқиш қулайроқдир.

Бу ерда энг кўп тарқалган майин жунли қирғиз зотли қўйлар намойиш қилинади. Олти миллиондан кўпроқ шундай қўйлар боқилмоқда. Тянь-Шань зотли ярим майин жунли ва Олтой зотли ярим дағал жунли қўйлар ҳам кўрсатилади. Буларнинг ҳаммаси маҳаллий шароитга яхши уйғунлашган бўлиб, уларни тоғ яйловларида йил бўйи боқиш мумкин.

Никита Сергеевич қўйларнинг жунини қирқишга ва жуннинг сифатига қизиқади, қўйлардан қанча гўшт олинаётганлигини суриштириб билади.

— Қирриз зотли майин жунли бир урточи қўйдан ўрта ҳисобда 8-10 килограмм жун олинади. Уларнинг тирик вазни 85-100 килограммдан, совлиқлардан 4-4,5 килограмм жун олинмоқда, уларнинг вазни 60-70 килограммдан келади, дейди М. Н. Лушчихин. Қўзининг тўрт ойликдаги вазни 30 килограмм келади. Қўзилар қиш фаслида — февралда туғилган бўлса, кузга келиб уларнинг вазни 40-45 килограмма етади. Бу маҳалда уларни сўйиш мумкин. Республикадаги кўп хўжаликлар қиш фаслида қўзилатиш усулини қўллана бошладилар.

— Биз, — дейди профессор М. Н. Лушчихин, — кўп сут ва гўшт берадиган қора моллар зотини яхшилаш соҳасида иш олиб бормоқдамиз. Виставкага қўйилган сигирларнинг ҳар бири 4-5 минг килограмм сут беради, уларнинг сутида 3,83-4,20 процент ёғ бор.

— Сути унча серёғ эмас экан, — дейди Н. С. Хрушчев. — Сизлар академик Т. Д. Лисенко ишлаб чиққан дурагайлаш методларидан фойдаланиб, сутнинг ёғини кўпайтиришга ҳаракат қилиб кўрмадингизми?

— Қирғизистон чорвачилик ва ветеринария илмий тадқиқот институтида 1954 йилдан буён бу соҳада иш олиб борилмоқда, — дейди шу институт қорамоллар бўлимининг мудири А. З. Квитко. — Дурагай олатов-жерси сигирларидан бир нечаси виставкага келтирилди, ҳозирги вақтда республикада жами бир ярим мингдан кўпроқ шундай сигирлар бор. Буларнинг кўпи йилига 4,8-5,0 процент ёғи бўлган 4-4,5 минг килограммдан сут бермоқда. Бошқача айтганда, 200-230 килограммдан маска мой олинмоқда. Никита Сергеевич, Сиз бу ерда кўриб турган Мента лақабли сигир жайдари билан Жерси зотининг дурагайидир. Етти соғиш даврида бу сигирдан 2.150 килограмм сариёғ, ёки 2.472,5 килограмм маска мой олинди. Бошқача айтганда, бу сигирдан ҳар куни 1,07 килограмм маска мой олинди.

— Жуда яхши сигир экан.

Н. С. Хрушчев қорамолларнинг сутини серёғ қилиш соҳасидаги ишлар қандай уюштирилганлиги билан батафсил қизиқади.

Қирғиз, Дон зотли ва бошқа зотлардан тарқалган йилқилар ҳам кўрсатилди.

— Сизлар, — дейди Н. С. Хрушчев, — қўйчиликка катта эътибор бераётганлигингиз яхши иш. Сизнинг қўйларингиз яхши экан. Улар жун ҳам, гўшт ҳам берадилар. Менинг фикримча, қорамоллар кўпроқ гўшт-сут берадиган бўлиши керак. Сутни серёғ қилиш биз учун катта аҳамиятга эга ва республикада бунга эътибор берилаётганлиги мени қувонтиради.

Ҳозирги вақтда бутун ишимизни бир мақсадни кўзда тутиб ташкил этишимиз керак. Маҳсулотнинг муайян турини ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган ихтисослаштирилган боқмарималарнинг тузилиши ишни ҳозирги замон талаб қилган даражада олиб бориш имконини беради.

Шундан кейин ўртоқ Н. С. Хрушчев «Деҳқончилик» павильонининг «Хашаки экинлар» бўлимидаги экспонатлар билан танишади. Маккажўхорининг турли навлари ва дурагайлари стендларга қўйилган. Ўтган йили 248 минг тонна ялпи маккажўхори ҳосили, 2 миллион 107 минг тонна силосбоп маккажўхори олинди. Республикада маккажўхорининг гибрид уруғларини етиштириш учун база вужудга келтирилди. Районлаштирилган гибрид уруғларини экиш ҳосилни 20-25 процент ва бундан ҳам кўпроқ оширади.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев далаларда қандай навлар ва гибридлар етиштирилаётганлиги ва уларнинг ҳосилдорлигини суриштириб билади.

Илғор колхозларда ва совхозларда гектар бошига 50-60 центнердан дон ва 500-600 центнердан кўкпоя олинаётганлигини ўртоқ Н. С. Хрушчевга айтиб берадилар.

— Қирғизистоннинг суғориладиган ерларида, — дейди Никита Сергеевич, — бундан ҳам кўпроқ маккажўхори ҳосили олиш мумкин. Сизлар бу экиндан иложи борича ҳамма нарсани олингиз. Курск ва Орёл областларида маккажўхорини суғормай туриб, гектар бошига 50 центнер дон ва бир минг центнердан кўкпоя олмоқдалар. Сизнинг ерларингиз эса жанубдадир, сизда суғориладиган ерлар кўп. Сизда марказий зонадагига нисбатан қулай шароитлар мавжуд. Суғориладиган ерларда маккажўхори етиштиришнинг моҳир-усталари — Шимолий Осетияда ўртоқ Албегов, Херсон областида ўртоқ Романюк, Ўзбекистонда Любовь Ли каби моҳир кишиларнинг тажрибасини ўрганишни сизларга маслаҳат кўраман. Улар силосбоп думбул сўтали маккажўхори етиштирмоқдалар. Маҳаллий шароитга тўғри келадиган нав ва гибридларни танлаб олиш, ўғит солиш, силосбоп серсўта маккажўхори пояси олиш учун маккажўхорини қалин қилиб экмаслик зарур.

Н. С. Хрушчев сўзини давом эттириб, бундай деди: Биз мол гўшти етиштиришни кўпайтиришимиз керак. Қорамол учун эса бўлиқ сўтали маккажўхори силосидан ҳам яхши озуқа йўқ. Сўтали саккиз юз центнер маккажўхори ўн бир центнер гўшт етиштириш имконини беради. Албегов, Романюк, Любовь Ли ҳар гектар ердан олаётган маккажўхори бир ярим-икки тонна ва бундан ҳам кўпроқ мол гўшти етиштириш имконини беради. Суғориладиган ерларда маккажўхоридан ана шундай мўл ҳосил олинмоқда!

Беда, эспарцет, донник ва бошқа хашаки экинлар қўйилган стендларни Никита Сергеевичга кўрсатадилар.

Сизларнинг ерларингизда беда яхши ўсяпти, дейди ўртоқ Н. С. Хрушчев, беда маккажўхори силосига жуда яхши витамин қўшиб берувчи ўсимликдир. Бедадан пичан уни ишлаб чиқаришни уюштириш тўғрисида ўйлаб кўрингиз.

Республикада пичан уни ишлаб чиқарадиган установкалар борлигини Н. С. Хрушчевга маълум қиладилар.

— Хабарим бор, — дейди Н. С. Хрушчев, — аммо, ана шу муҳим иш ҳозирча примитив усулда олиб борилмоқда. Пичан уни ишлаб чиқаришни саноатдагидек кенг кўламга кўчириш керак.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев виставкада пахта, қанд лавлаги, сабзавот, мева, кўкнори, тамаки ва Қирғизистоннинг маҳсулдор ерида ўсаётган бошқа кўп экинларни етиштирувчи илғорларнинг муваффақиятлари билан танишиб чиқади.

Никита Сергеевич оғир ва енгил саноат маҳсулотларини, биринчи даражали станок ва машина-ускуналарни ҳам кўздан кечирди, фан ва техника, соғлиқни сақлаш ва халқ маорифининг ривожланишини, миллий кадрлар тайёрлашни, нашриёт ишини тасвирловчи материал ва экспонатлар қўйилган павильонни ҳам бориб кўрди.

Виставкани кўздан кечириш тамом бўлди. Н. С. Хрушчев олимлар ва мутахассислар билан, виставка ходимлари билан самимий хайрлашади ва уларнинг ишларига янги муваффақиятлар тилайди.

БИРИ БИРИГА УСТОЗ

Юпқа матодан сарафан кийган қиз-жувонлар тикув машиналари ёнида саф-саф бўлишиб кийим тикишяпти. Улар тайёрлаётган бежирим кийимларни кўриб беихтиёр, «балли азаматлар, қўлингиз дард кўрмасин», дейсиз.

Ҳа, сиз улар тайёрлаган кийимларни жуда кўп кийгансиз. «Қизил тонг» маркаси қўйилган кийим-кечаклар ҳаммага маъзур. Фабрикада замонамизнинг қўли гул чевар кишилари ишлаяпти. Уларнинг ҳар бири тикув машинаси ёнига ўтирар экан, харидорларнинг дилини ранжитмасликки, тиклган кийимларнинг кишиларимиз талабига мос бўлишини ўйлайди. Шунинг учун ҳам фабрика адресига миннатдорчилик билдириб ёзилган хатлар тез-тез келиб туради.

— Меҳнаткашлардан олинаётган бу мактублар, — дейишади фабрика чеварлари, — кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшади.

— Борди-ю, ишимизда бирор камчилик сезилган тақдирда, — дейди яна бир бошқа чевар, — бунинг тезда олдини олиш ҳам ўз қўлимизда. Чунки, бир-биримизга шогирд, бир-биримизга устозмиз.

Уларнинг гапида жон бор. Ҳалиги гапни айтган аёл бу ерда бизни анчагина ёшга бориб қолган босиқ-вазмин киши билан таништирди:

— Бу киши бизнинг раҳбаримиз — фабрика партия-давлат контроли комитетига кўмаклашувчи группанинг раиси Георгий Емильянович Лобанов бўладилар.

— Ишимизнинг қандай бораётганини мана шу азаматларимизнинг гап-сўзларидан ҳам билиб олаётган бўлсангиз керак, — деди у қаршимиздаги бир тўда аёлларга ишора қилиб, — булар зўр-танқидчи чиқиб қолишди.

Лобанов кўз қири билан рўпарадаги деворий газетага ишора қилди.

— Дўстларингиз бундан хафа бўлишмадимикин?!

Лобановнинг синамоқ учун айтган бу сўзини тикувчилар дарров тушунишди:

— Ахир, дўст ачитиб гапиради... деган гап бор. Ҳозир хафа бўлишса, барибир кейин раҳмат айтишади.

Биз гап нима устида бораётганини тушунмай газетага яқинлашдик. «Халқ назорати варақаси» деб номланган бу деворий газетада турли танқидий расмлар ҳамда қисқа-қисқа материаллар босилган эди.

— Кўрдингизми, — деди Георгий Емильянович ҳазил аралаш, — газетани мана шу танқидчилар чиқаришган. Буларнинг қўлидан чеварликдан ташқари, мана шунақанги рассомлик, суратқашлик, ҳатто, мухбирлик ҳам келади. Қаранг, ўз дўстларининг расмини қандай «гўзал» ишлашган.

— Қозонда бўлса, чўмичга чиқади-да, пичинг қилди аллаким.

Маълум бўлишича, бу воқеа фабриканинг иккинчи цех мастери ўртоқ Егорова бошлиқ сменада содир бўлибди. Смена ишчилари иккинчи смена учун етарли миқдорда маҳсулот етказиб бермаганликлари туфайли ишчиларнинг 1 минг 650 минутлик вақти бефойда ўтган. Партия-давлат контроли комитетига кўмаклашувчи группасининг аъзолари бундан хабар топиб, дарҳол шу чорани қўллабдилар.

— Бу воқеанинг юз бергани кўп бўлгани йўқ, — дейди ўртоқ Лобанов, — лекин халқ контроли ёрдамида кўрилган чора бундай нуқсонларнинг такрорланмаслигига катта ёрдам бермоқда.

Чиндан ҳам Тошкентдаги «Қизил тонг» тикув фабрикасида халқ контроли яхши ишлаяпти. Ҳозир фабрикада партия-давлат контроли комитетига кўмаклашув группанинг ўн икки аъзоси бўлиб, ишлаб чиқаришда онда-сонда учраб турадиган хато ва камчиликларнинг олдини олиш, ишлаб чиқариш суръати ва сифатини ошириш соҳасида ибратли ишлар қилишяпти. Халқ назоратчилари орасида бир неча йиллик иш тажрибасига эга бўлган кишилар оз эмас. Мария Георгиевна Федосеева, Борис Владимирович Ситников ва бошқалар ана шундай кишилар жумласидандир.

Бундан ташқари, фабрикадаги мавжуд ўн икки цехнинг ҳаммасида кўмаклашувчи постлар бор. Группа ва постларнинг конкрет плани бўлиб, шу план асосида иш кўрилмоқда. Кўмаклашув группаси аъзоларининг яхши ишлари фабрикада умумий кўрсаткичнинг юқори бўлишига ёрдам беряпти. Жумладан, фабрикада олти ойлик план муддатидан илгари бажарилиб, пландан ташқари ўн бир минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Корхона ишчилари ишлаб чиқаришдаги ана шу сурватни бўшаштирмай, етти ойлик планни 29 июлда бажаришга интиляптилар.

— Биз, — дейди, — фабрика партия-давлат контроли комитетига кўмаклашув группасининг раиси ўртоқ Лобанов, — амалга оширмоқчи бўлган ҳар бир ишимизни корхона активлари, бир неча йиллик иш тажрибасига эга бўлган илғор ишчилар билан бамаслаҳат, бир фикрга келишган ҳолда планлаштирамиз. Чунки фабрика муваффақияти партия-давлат контроли комитети кўмаклашув группаси аъзоларининг ҳам муваффақиятидир.

Бизнинг яқин кунлардаги вазифамиз фабрикада тайёрланаётган маҳсулотларнинг цехлар бўйича сифатини кўриб чиқишдан иборат. Чунки ҳамма цех бир хилда ишлайди ва бир хил кўрсаткичга эришади, деб бўлмайди. Аксинча, ҳар бир цехда материалдан фойдаланиш деярли ҳар хил бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам биз ҳозир бу вазифани биринчи галдаги ва энг асосий вазифа, деб ҳисоблаяпмиз. Ўртоқ Лобанов сўзини давом эттириб деди:

— Кейинги йилларда фабрикамиз бир мунча кенгайди. Бектемир ва Оқ уйдаги тикувчилик фабрикалари бизга цех сифатида қўшилди. Бу цехлар фабрикамиздан анча узоқда жойлашган бўлишига қарамай, халқ назоратчилари, «комсомол прожектори» аъзоларининг яқиндан кўрсатаётган ёрдами туфайли ҳамма иш кўнгилдагидек бормоқда. Биз бундан кейин ҳам ишнинг ана шу йўсинда бўлишини таъминлашга ҳаракат қиламиз.

С. УМАРОВ.

ФУТБОЛ

ЯНА ИККИ «ОЛТИН» ОЧКО

Кеча марказий «Пахтакор» стадионида тўпланган футбол ишқибозлари қизиқарли учрашувнинг гувоҳи бўлдилар. «Пахтакор» командаси билан Харьковнинг «Авангард» командаси ўртасидаги учрашув голиби икки «олтин» очкони қўлга киритиши мумкин эди.

Шунинг учун бу учрашувга «Пахтакор» ўзининг жанговар составини билан майдонга тушди. Шиддатланганлиги сабабли олдинги учрашувларда қатнаша олмаган Г. Красницкий, шунингдек В. Любушининг майдонга чиқишини футбол ишқибозлари қарсаклар билан олқишладилар.

Ўйин бошланишданоқ кескин тус олди. Ҳар иккала команда ҳам ғалабани қўлга киритиш учун жон жаҳди билан ҳужумга ташланди. Бу учрашувда ҳимоячилар ҳужумчиларга қараганда анчароқ ўйнадилар. Ўйиннинг биринчи ярми 0:0 ҳисоби билан тугади. Ўйиннинг иккинчи ярми «Пахтакор»нинг кескин ҳужуми билан бошланди. Лекин ҳужумчиларимиз дарвоза олдида ўзларини йўқотиб қўяверадилар. Шунга қарамасдан ўйиннинг 66-минутида И. Малиновский меҳмонлар ҳимоясини ёриб ўтдида, тўпни дарвозага йўналтириб, командининг ғалабасини таъминлади. «Пахтакор» фойдасига ҳисоб 2:0 бўлиши мумкин эди. Лекин бутун ўйин давомида яхши ўйнаган В. Тожиров дарвозабон билан иккала-ника қолса ҳам тўпни дарвозага киритолмади. Ғалабадан руҳланган майдон эгалари ҳужумни янада активлаштирдилар. Лекин «Авангард»нинг ҳимоячилари уларнинг ҳужумларини қайтариб турдилар. Ҳар иккала командининг ўринишига қарамай, ўйиннинг охиригача ҳисоб ўзгармади.

Шундай қилиб «Пахтакор» 1:0 ҳисоби билан ғалаба қозониб, яна муҳим икки «олтин» очкони қўлга киритди.

Ҳ. ЮНУСОВ.

ЎРТОҚ ПАЛЬМИРО ТОЛЬЯТТИ САЛОМАТЛИГИ ҲАҚИДА

1964 ЙИЛ 16 АВГУСТДАГИ АХБОРОТ

Ўтган кеча-кундузда ўртоқ Пальмиро Тольятти саломатлиги оғирлашганлиги сезилмади, бу ҳол организмнинг касалликка қаршилик кўрсатиш қобилияти яхши эканлигини кўрсатади.

Коматоз ҳолати сезилари даражада яхшиланди ва марказий нерв системасининг функциялари бир мунча яхшиланганлигини кўрсатувчи аломатлар пайдо бўлди.

Мутахассисларнинг кузатиши остида зарур даволаш давом эттирилмоқда.

Академик

Владимир ВАСИЛЕНКО,

Профессорлар:

Марио ОПАЛЛОНЕ,

Александр МАРКОВ,

Роман ТКАЧЕВ,

Ольга ГОРБАШЕВА.

ҒАНАЛИК МЕҲМОНЛАР

Ғана областлари ҳукумат комиссарлари делегацияси СССР Министрлар Совети Чет мамлакатлар билан маданий алоқалар давлат комитетининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турибди. Делегация составида Ж. Е. Хейган, С. В. Ґебоа, Ж. Артур, Р. О. Амуако-Атта, Х. К. Бони ва Е. Адам бор. Делегация Волгоградга ва Краснодар ўлкасига қилган сафаридан кейин Тошкентга келди. Ғананинг СССР даги элчихонаси атташеси К. П. Пра делегация билан бирга бу ерга келди.

15 август эрталаб делегация аъзоларини Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов қабул қилди.

Дўстона суҳбат вақтида Р. Қурбонов меҳмонларни Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон меҳнаткашлари қаётида юз берган ўзгаришлар билан таништирди, республика экономикаси ва маданиятини келгусида ривожлантириш режалари ҳақида, халқ хўжалигида раҳбарлик принциплари тўғрисида гапириб берди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. О. Азимов, республика молия министри В. М. Муродхўжаев, Ўзбекистон ССР Госплани раисининг ўринбосари Ж. И. Илҳомова қатнашдилар.

Ғана областлари ҳукумат комиссарлари делегацияси Ўзбекистонда бир неча кун бўлади. (ЎзТАГ).

НАМАНГАН ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Партия XXII съезди» колхозининг Маҳмуд Ҳамроев бошлиқ бригадаси аъзолари маккажўхоридан кўплаб силос бостиряптилар. Ҳар гектар ердан 800 центнер кўппоя олинмоқда. Маккажўхориси уриб-йиғиб олинаётган майдонлар яна ҳайдалиб, такрорий маккажўхори экилмоқда. Суратларда: (чапда) ўртоқ М. Ҳамроев бригадаси далаларида маккажўхорини ўриш пайти, (ўнгда) трактор ҳайдовчи Нуриддин Қораболев ҳосили йиғиштириб олинган маккажўхоризорни ҳайдамоқда. Бу ерларга ҳам такрорий маккажўхори экилади.

Е. Корниенко фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

3 СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

18 АВГУСТ 1964 ЙИЛ
№ 192 (12.846).

Бугун СССР Ҳаво Флоти Куни

БЕШИНЧИ ОКЕАН БАҲОДИРЛАРИ

Сергей РУДЕНКО,
Совет Иттифоқи Қаҳрамони, авиация маршали

18 август — СССР Ҳаво Флоти Куни. Совет халқи бу тарихий санани нишонлар экан самолётларни учишга тайёрловчиларни ҳам, уларнинг ижодкорлари — авиация мутахассислари — конструкторлар завод ишчи ва инженерларини ҳам фахр билан тилга олади. СССР Ҳаво Флоти Куни — умумхалқ байрамидир.

Совет авиацияси Ватанимиз ҳаво чегараларининг ҳушёр соқчиларигина эмас, балки шу билан бирга толмас меҳнаткаш, коммунизмнинг актив бинокори ҳамдир. Мингларча авиайўллар СССР шаҳар, қишлоқ, область ва республикаларини бир-бири билан боғлайди. Ўттиздан ортиқ ҳаво йўллари Ватанимиз чегараларидан узоқларга ўтиб Европа, Осиё, Африка Жанубий ва Шимолий Америка давлатларининг пойтахтларига туташган. Реактив гигант — «ТУ-114» Москвани Гавана билан боғлаган. Совет авиаторлари қитъалар ва океанлар оша муз билан абадий қопланган узоқ Антарктидага ҳаво йўли ссздилар.

Россия — самолётлар ватани. Бизнинг еримизда жаҳонда биринчи бўлиб осмонга самолёт кўтарилган эди. Уни истеъдодли рус ихтирочиси Александр Можайский яратган эди. Реактив асосга эга бўлган биринчи учар аппарат проекти ҳам Россияда ижод қилинган. Довюрак революционер Николай Кибальчич бу проектни Петропавловский қўрғонининг зах ва қоронғи хонасида ўлимидан бир неча кун муқаддам ишлаб чиққан эди.

Ҳозирги замон авиацияси бешиги ёнида улуғ рус олимлари Михаил Ломоносов, Дмитрий Менделеев, космонавтика отаси Константин Циольковский турдилар. Ҳаво кемалари яратишда Николай Жуковский, Сергей Чаплигин кўп ва самарали меҳнат қилдилар. Революциядан олдиноқ Россияда рус авиаконструкторлари дастлабки кўп моторли самолётларни яратишган. Бироқ чор ҳукумати Ватан авиациясининг тараққиётини тезлаштириш у ёқда турсин, бунинг аксича унинг тараққиётига ҳар томонлама гов солди. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг бизга бу соҳада у қадар катта бўлмаган бойлик қолди. Ёш Совет давлати мамлакатнинг қисқа муддатда улуғ авиация давлатига айланиши учун ҳамма талабларни амалга оширди. В. И. Ленин ташаббуси билан авиация саноатини тараққий эттириш плани ишлаб чиқилди.

Ҳаво Флотини бунёдга келтиришда бутун мамлакат иштирок этди. Бутун эскадрилия ва отряднар қуриш учун халқ маблағларини тўплаш, ташкил этилди. Кўп ўтмай ҳавога Туполев, Поликарпов самолётлари бирин-кетин кўтарила бошлади. Улардан бири Ватаннинг жанговар ҳимоячилари сафидан ўрин олса, бошқалари халқаро йўллар бўйлаб уча бошлади. Михаил Громов бошқарган қизил юлдузли «Крылья Советов» самолёти Берлин, Париж, Рим, Лондон, Варшава аэродромларига қўнди. С. Шестаков бошқарган совет самолёти океан сшиб узоқ Нью-Йоркка борди.

СССРнинг индустриал қудрати йилдан-йилга ошиб борди ва бу билан бирга Ҳаво Флоти қудрати ҳам мустаҳкамланди. Биринчи беш йилликлар мобайнида мамлакатда авиация саноати бунёдга келтиришда, илмий тадқиқот муассасалари тармоқлари кенгайиб кетди. Совет самолётлари етакчи капиталистик давлатларнинг самолётлари билан юк кўтаришда, тезликда ва баландга учишда муваффақиятли беллашди. Урушга қадар СССР халқаро авиация рекордлари қўйишда жаҳонда биринчи ўринни эгаллади.

1934 йилда совет учувчилари Ватан самолётларида Шимолий Муз океанида «Челюскин» пароходи экипажини ҳалокатдан қутқариб, ажойиб жасорат кўрсатдилар. Кўп ўтмай совет авиацияси яна янги галабаларни қўлга киритди. Самолётларда Шимолий минтақага Иван Папаниннинг экспедицияси олиб борилди. Валерий Чкалов, Михаил Громов экипажлари минтақа орқали АҚШга ҳаво йўлини очди. Бундай қийин узоқ масофага учишни жаҳон ҳали кўрмаган эди. Бу совет фани ва техникасининг, совет кишисининг, социализм системасининг чинакам зафари бўлди.

Улуғ Ватан уруши йилларида СССРнинг бутун Қуролли Кучлари каби Ҳаво Флоти ҳам жуда оғир синовлардан ўтди. Уруш бошланишига қадар совет мамлакати қирувчи, бомбардимончи, транспорт авиацияси нинг катта парклариига эга эди. Александр Яковлев, Сергей Ильюшин, Владимир Петляков, Семён Лавочкин, Артём Микоян раҳбарлигидаги конструкторлар коллективлари учиш ва жанговарлик қобилиятига эга бўлган ажойиб янги машиналар яратдилар. Бироқ уларни кўплаб ишлаб чиқаришга улгура олмадик, уруш бошланиб кетди. Самолёт паркларининг анчагина қисми фашист бомбардимончи авиацияси қўқисдан қилган хоинона ҳужумнинг дастлабки кунларида ишдан чиқди.

Учувчиларимиз жангга киришдилар. Бироқ самолётлар етишмасди. Тўртта совет қирувчи самолёти ўнлаб немис «Мессершмит»ларига қарши ҳужумга ўтардилар. Биринчи жанглардаёқ ажойиб қаҳрамонлар етишиб чиқди. Уларнинг жасорати Ватанга Коммунистик партияга бўлган меҳр-муҳаббатнинг ажойиб намунаси бўлди. Капитан Николай Гастелло ўқ тегиб ёнган самолёти билан душманнинг механизациялашган колоннаси марказига ташланди. Қирувчи-учувчилар Дмитрий Харитон, Виктор Талалихин ёнилғини сарфлаб бўлгач, фашист самолётларини ўз самолётларининг тумшуқлари билан уриб қулатдилар. Улуғ Ватан урушн йилларида совет учувчилари 75 дан ортиқ самолётни ўқ отмай қулатдилар. Жангларда совет учувчилари кўрсатган қаҳрамонликлар беқиёсдир.

Уруш йилларида мен ҳаво армиясига командирлик қилдим. Бу армия Волга қирғоқларидан то Эльбагача бўлган катта йўлни босиб ўтди. Совет халқи ўзининг мардонавор меҳнати билан биз учун ажойиб жанговар самолётлар яратиб берганлигининг гувоҳиман. Яковлев, Лавочкиннинг тезучар қирувчилари, «ПЕ-2», ҳужумчи «ИЛ-10»нинг доғи душманни эсанкиратиб қўйди. Бундай самолётлар сони кун сайин кўпайиб борди. Душман ўзининг самолётлари ва ҳаводаги вақтинча устунлигини йўқотиб қўйди.

1943 йилнинг ёзида Курскдаги жангларда совет авиацияси гитлер авиацияси устидан ўзил-кесил устунликка эга бўлди. Июлдан ноябргача немисфашист босқинчилари 10 мингдан ортиқ самолётдан маҳрум бўлдилар.

Учувчиларимизнинг қаҳрамонлиги оммавий тус олган эди. Масалан, Алексей Мересьев ва Захар Сорокиннинг номлари бутун жаҳонга яхши маълум. Бу баҳодирлар яраланиб, совуқда қолганликларига қарамай оғир операцияга чидадилар, оёқларидан айрилдилар. Бироқ улар яна самолётга ўтириб душманни қиришни давом эттирдилар. Мен командирлик қилган ҳаво армиясида бундай мисоллар жуда кўп бўлди.

Берлинда ҳал қилувчи жангларда совет томонидан 8400 самолёт иштирок этди. Урушнинг сўнгги уч йили мобайнида совет—герман фронтида фашист Германияси 75 минг самолётдан ажралди. СССР Ҳаво Флоти авиаторларининг ҳарбий жасорати юксак баҳоланди. Икки юз мингдан ортиқ учувчилар орден ва медаллар билан мукофотландилар. Икки мингдан ортиқ учувчи. Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини олди, 65 кишидан ортиқ учувчи ана шу юксак унвонни икки марта олишга сазовор бўлди. Александр Покришкин, Иван Кожедуб уч марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлдилар. Уларнинг ҳар бири жангларда душманнинг бутун авиаполкини ер билан яксон қилдилар.

Уруш йилларида совет ҳарбий транспорт авиацияси катта ва қаҳрамонона ишни бажарди. Кун ва тунда, ёмғир ва қорда бу авиация экипажлари душманнинг орқа томонига учиб ўтар, партизанларнинг битта белгиси билан уларни ўрмон ва тоғлардаги базаларини қидирар, шошилинч равишда тайёрланган аэродромларга қўнишар, озиқ-овқат, ҳарбий анжомлар келтириб, яраланган жангчиларни олиб яна ўз қисмимизга қайтиб келишарди.

* * *

Уруш ва жанглар овози аллақачон тинди. Совет мамлакати уруш жароҳатларини тиклаб ўз экономикаси, фан ва маданиятини ривожлантиришда оламшумул муваффақиятларга эришди. Совет мамлакати яна қудратлироқ ва гўзалроқ бўлиб колди. Коммунистик партия раҳбарлигида биз коммунизмни муваффақиятли қурмоқдамиз. Социалистик ҳамкорлик мамлакатлари биз билан бир сафда, ёнма-ён туриб ғолиб марксизм-ленинизм байроғи остида янги ҳаёт қурмоқдалар. Янги жамият ижодкорларининг тинч меҳнатини ва бутун социализм лагерини қўриқлаш учун СССР Қуролли Кучлари ҳушёр турибди. Жаҳон тинчлигини сақловчилар сафида совет авиаторлари энг фахрли ўринга эга.

Совет Ҳаво Флоти тамомила янги сифат касб этди. У реактивлашган. Бизнинг жанговар самолётларимиз товуш тезлигидан бир неча марта тезроқ уча олади. Авиациямизнинг ўт очиш қуввати беқиёс даражада ўсган. Одатдаги тўплар ва бомбалар ўрнига ҳозир ракета ва ядро қуролларига эгамиз. «Ҳаво-Ҳаво», «Ҳаво-Ер» типидаги ракеталар душманнинг узоқ объектларини ер билан яксон қилишга қодир.

Тезучар самолётлар ҳаво океанида артиллерия снарядларидан тезроқ учади. Учувчиларнинг ихтиёрига мураккаб радиотехника ва электротехника аппаратлари бериб қўйилган. Янги техника ҳар қандай об-ҳаво шароитида, кундузи ва тунда нишонни топиш ва унга ҳужум қилиш имконини беради. Мен машқларда учувчилар бир неча километр масофадаги товушдан тез учар нишоналарни жуда аниқ уриб тушираниликларининг гувоҳи бўлдим.

Юқорида таъкид қилинганидек, совет ҳаво флоти фақат жангчигина эмас, балки меҳнаткаш ҳамдир. Уруш йилларида юксак устунликларга эга бўлган жанговар самолётларни яратган авиаконструкторлар ҳозирги пайтда қанотли аппаратларнинг, шу жумладан пассажир самолётларнинг янги намуналарини яратиш устида тинмай меҳнат қилмоқдалар. Кекса совет конструктор олими Андрей Туполев яратган гўзал ҳаво лайнерларини бутун жаҳон яхши билади. Унинг «ТУ-114» самолётига тенг келадиган ҳаво кемаси йўқ. Яқинда авиайўлларга янги ажойиб «ТУ-124» чиқди ва у само сафарчиларининг муҳаббатини тез кунда қозонди. С. Ильюшин, О. Антоновларнинг кўп ўринли турбовинтли самолётлари жаҳонга доғ таратди. Тез кунлар ичида фазода қитъалараро учадиган 168 ўринли «ИЛ-62» гиганти пайдо бўлади. Бу самолёт ҳар қандай об-ҳаво шароитида учишга қодир.

Сўнгги йилларда Совет Ҳаво Флоти бошқа типдаги самолётлар билан: А. Яковлевнинг конструкторлик бюроси яратган спорт самолётлари, Антоновнинг у қадар катта бўлмаган ҳаво таксиси, М. Милнинг вертолётлари билан анчагина тўлдирилди. Фақат сўнгги йилда бу вертолётларда баландлик, юк кўтариш ва тез учиш бўйича олтита жаҳон рекорди қўйилди.

Совет авиациясида туб сифат ўзгаришларга социалистик фан, техника ва саноатнинг барча тармоқлари юксак даражада ривожланганлиги туфайли эришилди.

СССР Ҳаво Флоти космик йўллар учун кадрлар ўчоғи, космонавтларнинг бешиги бўлиб қолди. Флот тараққиётида Никита Сергеевич Хрушчевнинг хизмати жуда каттадир.

Халқимиз совет Ватани ҳаво чегараларини ҳушёрлик билан қўриқлаб турган қанотли фарзандлари билан ҳақли равишда фахрланади. Ҳаво баҳодирлари ўзларининг бутун кучларини СССР мудофаа ва экономика қудратини мустаҳкамлашга, бутун социализм лагерини мустаҳкамлашга бағишлайдилар.

(АПН)



МАМЛАКАТИМИЗНИНГ барча баҳодир учувчилари каби Узбекистон граждан ҳаво флоти бош қармасининг учувчилари ҳам ўзларининг катта байрамини яхши совғалар билан кутиб олдилар. Суратда ҳаво кемалари экипажининг илғор командирлари (чапдан ўнгга): Ш. Исамуҳамедов, М. Я. Желтяков, А. М. Пикалов, Н. Т. Кокутьев, В. С. Лешченко.

Н. Глауберзон фотоси.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ФОКУСЧИ

Бир куни Собир дўстлари билан эстрада концертига тушди-ю, ақли лол қолди. Бир рус артисти бирдан рўмол ютиб, сув чиқарса, бирдан олов ёқиб, оғзига тиқади...

Шу куни кечаси Собирнинг уйқуси қочди, туни билан мижжа қоқмай хаёл суриб чиқди:

— Тоба, бу қанақаси бўлди, ақлга сиғмайдиган иш-ку, бу, ахир!

Шу-шу Собир артист бўлишга аҳд қилди-қолди. У, тўппа-тўғри театрга бориб, мечи ишга олинглар, деган эди, театрдагилар кулишди:

— Боринг, ўқинг, ука, ҳали ёшсиз.

Шунда ҳам Собир ниятидан қайтмади. Бир куни газетада эълон ўқиб қолди: эстрада театрига саҳна ишчилари керак. Собир вақтни қўлдан бой бермай, шартта театрга кириб олди. Гарчи у, саҳна ишчиси бўлса ҳам артистларнинг чиқишига, айниқса фокусчиларнинг «найрангларига» бутун вужуди билан диққат қилар, уларнинг кўрсатаётган ҳунарларинг бирон жойини ҳам ўтказиб юбормасликка тирришарди.

Йиллар кетидан йиллар қувиб ўта бошлади. Қарабсизки, кечаги Собирни бугун «навбат артист Собир Маҳкамовга» дейдиган бўлиб қолишди.

Мана энди, Собир Маҳкамов саҳнада: у оғзидан кетма-кет ёниб турган папиросни чиқармоқда: бир, икки, уч, тўрт, беш, олти... Залда ўтирган ёшгина қизча ёнидаги онасига шипшийди:

— Ойи амакимнинг оғзи нега куймаяпти?

Шундан кейин Собир қизил рўмолни оқ қилади, калтарни ўрдакка айлантиради, оддий қоғозлардан ракета учиради, челакка сув солиб, ўқ қилиб юборади.

Мана, неча йилки Собир Маҳкамов ўзбек эстрадасига фокусчиликни олиб кирди. Уни республикамизнинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларида танишади, у гастроль давомида жуда кўп жойларни кезиб чиқди. У қаерга бормасин, томошабин:

— Ана фокусчи артист, дейди.

Н. ИНОҚОВ.

«Совет Узбекистони»нинг штатсиз мухбири.

ОТАБОЙ БОБО 115 ЁШДА

Амударё районидаги «Манғит» совхозида турувчи Отабой бобо Холмуродов 115 ёшга тўлди. У ҳали бақувват ва тетик.

Э. Раҳимов.

КЕЧА РЕСПУБЛИКАМИЗДА

ПОДСТАНЦИЯ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Хева шаҳар электроэнергия корхоналари бошлиғи А. Тўхтаров редакциямизга қуйидагиларни билдирди:

— Тахиатош — Хева электр линияси ишга туширилди. Шаҳарга янги нур дарёси оқиб келяпти.

НУРЧИЛАР

— Бухоро шаҳар механизация билим юртини Самарқанд, Хоразм, Бухоро областларидан ўқиш учун келган,— деб ёзади бухоролик мухбир С. Каримов, — колхоз ёшларидан 100 дан ортиқ киши битириб чиқди. Улар колхоз ва совхозларда ишлаш учун жўнаб кетдилар.

ЯНГИ МАГАЗИН

Пойтахтимиздаги Абдулла Набиев номли истироҳат боғи яқинида янги икки қаватли магазин биноси қуриб битказилди. Унинг биринчи қаватида озиқ-овқат маҳсулотлари, иккинчи қаватида саноат моллари билан савдо қилинади.

ЭЪЛОНЛАР. ТОМОШАЛАР.

РАДИО

18 АВГУСТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 — Тонгги концерт, 7.45 — Енгил куйлар, 8.25 — Шу кунинг тароналари, 9.25 — Космонавтлар ҳақидаги қўшиқлар, 9.50 — «Етти йиллик илғорлари» циклидан тожик тилида эшиттириш, 10.30 — Халқ талантлари концерти, 11.15 — СССР Ҳаво Флоти кунига бағишланган суҳбат, 11.25 — И. Бах. Фуга ва прелюдиялар, 13.30 — Утёсов раҳбарлигидаги оркестр концерти, 15.25 — Реклама ва эълонлар, 15.50 — «Хоразм темир йўлчилари» деган корреспонденция, 16.00 — «Шонли 40 йиллик олдидан». Композитор Сулаймон Юдаков, 18.00 — Кекса ижрочилар концерти, 19.20 — Қорақалпоқ куйларидан концерт, 20.00 — СССР граждан авиацияси министрлиги Ўзбекистон территориал бошқармасининг бошлиғи А. Ғозиназаровнинг СССР Ҳаво флоти кунига бағишланган суҳбати, 20.10 — Ҳаво флоти ходимларининг талабларига мувофиқ концерт, 21.15 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш ва концерт, 22.00 — «Дунё воқеалари» (Ўзбек тилида), 22.10 — «Парвоз қил, қанотли қўшиқлар», 22.30 — «Шонли 40 йиллик олдидан». Бизнинг адабий интервью, 23.10 — Мақомлар кечаси.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

18 АВГУСТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — В. Верешчагин Туркистонда. **Рассом кўзи билан** (юқори синф ўқувчилари учун), 18.30 — **Телевизион янгиликлар**, 18.50 — Спорт эшиттириши. **Мамлакатнинг энг кучли ватерполочилари.**

Ўзбек тилида: 19.20 — **Телевизион янгиликлар**, 19.40 — **Агар ҳақ бўлсанг** (киноповесть).

Рус тилида: 21.00 — **Пойтахтимиз меҳмонлари.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.30 — **Диафильм** (болалар учун), 18.50 — **Тошкент янгиликлари**, 19.00 — **Саҳнанинг буюк реформатори**, 19.30 — **Индонезия.**

Рус тилида: 19.50 — **Ватан байроғи остида** (ҳужжатли фильм), 20.10 — **Онг ва дин**, 20.30 — **Тошкент янгиликлари**, 20.40 — **А. Н. Островский. Гирдоб** (фильм-спектакль).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/VIII да **Боғчасарой фонтани**, 19/VIII да **Риголетто.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/VIII да **Алпомиш.** Кеч соат 8 яримда бошланади.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Тимур ва унинг командаси — «ВАТАН» (эрталаб соат 10 да).

Тудор (1 ва 2-серия) — «ВАТАН», «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА», «ВОСТОК», «ЧАИКА» (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, кундуз 1 ва кеч 6-50 минутда).

Каро — «МИР», «ЮЛДУЗ» (кундуз ва кечқурун).

Насриддин Бухорода ва Насриддин саргузаштлари — НАВОИЙ номли (кундуз соат 4 ва кеч 9-40 минутда).

Номаълум гов — «ЕШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 да).

Толя Клюквин саргузаштлари — «ЕШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 11-45 минутда), «Дружба» (1-залда тоқ соатларда), «ЧАРКА» (эрталаб соат 10 ва 11-40 минутда).

Ишларинг қалай, йигитча — «ЕШ ГВАРДИЯ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (2 залда жуфт соатларда).

Антон Иванович аччиғланади — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 8 ва 9.45 минутда).

Крош саргузаштлари — «МОСКВА» (эрталаб соат 10 да).

ЕЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8-45 ва 10-20 минутда)

Эски Чикагода — «ОКТЯБРЬ».

Насриддин Бухорода ва Насриддин саргузаштлари — «ВАТАН».

Тудор (1 ва 2-серия) — НАВОИЙ номли, «ФЕСТИВАЛЬ».

Граф Монте-Кристо (1 ва 2-серия) — КАФАНОВ номли.

Каро — «ХЕВА».

Шайтон ва ўн насиҳат — «САЛЮТ».

Ишларинг қалай, йигитча — ТЕЛЬМАН номли.

Улмас гарнизон — «УДАРНИК».

Севги кунлари — «1 МАЙ».

Қара, йўл кўринади — КИРОВ номли.

Тонггача 40 минут — ФРУНЗЕ номли.

Қора ниқобда — СТЕПАН РАЗИН номли.

ҲАМЗА НОМЛИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

ТЕЗ КУНДА

1964/65 йил

ҚИШКИ МАВСУМИ очилади

ЗИКМУНД ВА ГАНЗЕЛКА ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИДА БЎЛДИЛАР

Машҳур чехословак сайёҳлари Мирослав Зикмунд ва Иржи Ганзелка 15 августда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумида бўлдилар.

Республика Фанлар академиясининг вице-президентлари С. В. Стародубцев, Й. М. Мўминов, Я. Х. Тўрақулов ва бошқа олимлар машҳур сайёҳларга бу йирик илмий марказнинг фаолияти тўғрисида гапириб бердилар.

Меҳмонлар академиянинг структураси, Ўзбекистонда олиб борилаётган энг муҳим илмий тадқиқот ишлари билан қизиқдилар. Ўрта Осиё бўйлаб қиладиган саёҳатларининг маршрути тўғрисида олимлар билан маслаҳатлашиб олдилар. (ЎзТАГ).

СССР ЧЕМПИОНЛАРИ

Москвада Совет Иттифоқининг энг кучли, мерганларининг мусобақаси бўлиб ўтди. Мусобақада Узбекистон вакили Михаил Акулов янги рекорд қўйди. У 600 имконияти дан 566 очко тўплаб, СССР чемпиони бўлди ҳамда олтин медаль билан мукофотланди. Шунингдек Узбекистон «Динамо» жамиятининг вакили Анатолий Воличенко ҳам муваффақият қозониб, «Динамо» жамиятининг командаси сафида иштирок этиб, биринчи ўринни эгаллаб СССР чемпиони номини олди.

Ш. ҚОСИМОВ.

ҲОДИСА

3 БЎРИ УШЛАНДИ

Ғузор («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). «Оқработ» совхозининг яшчиси Б. Норқувватов яйловда юрганида 2 бўри боласини отди ва бирини тириклайин ушлади.

Ғузор район тайёрлов бўлими бу «ўлжа»лар учун Б. Норқувватовга 120 сўм мукофот берди.

ОЛАМ ЯНГИЛИКЛАРИ

ФАНГА ҚЎШИЛГАН КАТТА ҲИССА

ЮҚОРИ ЭНЕРГИЯЛАР ФИЗИКАСИГА БАҒИШЛАНГАН XII ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

ДУБНА (Москва области). 15 август. (ТАСС). Юқори энергиялар физикасига бағишланган XII халқаро конференция ўз ишини тамомлади. 31 мамлакатдан келган етакчи олимлар жаҳон университетлари, институтлари ва лабораторияларида бажарилган энг янги назарий ва эксперименталь тадқиқотларни 5 августдан 15 августга қадар муҳокама қилдилар. Секцияларнинг мажлисларида ва ялпи мажлисларда 600 дан ортиқ доклад муҳокама қилинди.

Конференциянинг иши амалий ҳамкорлик вазиятида ўтди. Бу конференция натижалари, унинг қатнашчиларининг умумий фикрича, материя структурасини ва микро дунёни бошқарувчи қонунларни билиш мақсадини кўзлайдиган фанга катта ҳисса бўлиб қўшилди.

1950 йилда шу хил халқаро учрашувларнинг ташаббусчиларидан бири бўлган америкалик машҳур олим Роберт Маршак конференцияни яхши ташкил қилганликлари учун совет олимларига ташаккур изҳор қилди. У, юқори энергиялар физикасига бағишланган ўн учинчи халқаро конференция 1966 йилда Берклида (АҚШ) бўлишини расмий равишда маълум қилди.

ШУ КУННИНГ АСОСИЙ ЯНГИЛИГИ

НЬЮ-ЙОРК, 16 август. ТАСС мухбири **С. Лосев** хабар беради: Кипр ҳукуматининг ва Кипр президенти Макариоснинг Кипр Республикаси суверенитетини ва мустақиллигини ҳимоя қилиш учун ҳарбий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги илтимосига жавобан Совет ҳукуматининг баёнотини Америка информация агентликлари шу кунинг асосий янгилиги, деб батафсил баён этмоқдалар. Баёнотнинг айрим жойлари радио ва телевидение орқали бир неча марта эшиттирилди. Совет ҳукумати баёнотида агар чет эл қуролли кучлари Кипр территориясига бостириб киргуден бўлса, у ҳолда Совет Иттифоқи Кипр Республикасининг озодлиги ва мустақиллигини чет эл интервенциясидан ҳимоя қилишда Кипр Республикасига ёрдам кўрсатади ва шу масала устида музокаралар бошлаб юборишга ҳозироқ тайёрдир, деб айтилган гаплар хабарларда уқтириб кўрсатилади.

Совет ҳукуматининг баёноти Нью-Йоркка етиб келганда газеталарнинг якшанба кунги сонлари верстка қилиниб бўлган эди ва шу сабабли газеталарда сўнгги пайтда киритилган қисқача шошилинч хабар сифатида босилиб чиқди. Кипр проблемасига бағишланган мақолалар аввалдан қандай тайёрланган бўлса, шу ҳолда қолдирилди. Америкалик обзорчилар эса Туркия авиациясининг ҳужумларидан сўнг «ожиз Кипр»нинг машъум Ачесон планини қабул қилишдан бошқа иложи йўқ, деган ва ўзларига ёқиб қолган ҳамда эҳтимол, баъзи бировлар уқтириб қўйган фикрни аввалдагидек ҳадеб чайнамоқдалар.

«Нью-Йорк таймс» газетаси Кипрдаги ўз мухбирининг мақоласи билан бирга оролнинг картасини босиб чиқарди. Бу карта қора чизиқ билан кесиб қўйилган ва унинг тагига: «Кипр. Турклар уни ана шундай бўлиб юборишни истар эдилар», деган сўзлар ёзилган. НАТО корчалонларининг Греция ҳукуматини Ачесон планининг қабул қилиниши мафаатларини кўзлаб, президент Макариосга таъйиқ кўрсатишга мажбур этишга боғлаган умидлари ҳозир Америка матбуоти саҳифаларида очиқ ифодасини топмоқда.

ИККИ КОНФЕРЕНЦИЯ—ИККИ ПОЗИЦИЯ

ДЕҲЛИ, 15 август. (ТАСС). Ядро қуролини тақиқлаш учун курашга бағишланиб, Хиросима ва Токиода бўлиб ўтган конференциялардаги Ҳиндистон делегацияси аъзолари Деҳлидаги Конституция уйида пойтахт жамоатчилиги вакиллари билан учрашдилар. Учрашувда делегаталар ҳар иккала конференция тўғрисида ўз таассуротларини айтиб бердилар.

Делегация бошлиғи Аруна Асаф Али хоним ўз сўзида Япония тинчлик тарафдорлари ҳаракатидаги ажралиш хитойликларнинг кўпорувчилик ишлари оқибатидир, деб таъкидлади. У дедики, Токио конференциясида элементар демократия ҳам бўлмади, аммо Хиросимада аксинча, дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазияти ҳукмрон бўлди, ана шунинг ўзи конференциянинг муваффақиятли бўлишига кўп жиҳатдан ёрдам берди.

Токио конференциясида, деди Ҳиндистон делегациясининг бошлиғи, асосан Совет Иттифоқига ҳужумлар қилинди. Бироқ, совет делегациясининг тўғри ва қатъий позицияси бошқа мамлакатларнинг делегаталари ўртасида кенг қўллаб-қувватланди. Токио конференцияси, деб таъкидлади Аруна Асаф Али, хитойлар ва уларнинг ўз мамлакатларининг вакиллари бўлмаган сотқин тарафдорлари тинчлик тарафдорларининг халқаро ҳаракатида тамомила якка лаб қўйилганлигини яна бир марта кўрсатди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КУЧАСИ, 26-УЙ.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545, Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 27221, Пропаганда — 31226. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221, Фан, маданиат ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р 11056 ИНДЕКС — 64543. № Б — 192.